



Шу йилнинг март ойи бошида Тошкентга Россия Федерацияси Ташқи разведка хизмати раҳбари Сергей Нарискин ташриф буюрган эди. Икки тарафнинг оммавий ахборот воситалари Сергей Нарискин ва Шавкат Мирзиёевнинг минтақа хавфсизлиги, экстремизм ва терроризмга қарши кураш, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдоси ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш масалаларини ўзаро муҳокама қилишгани ҳақида хабар



УСМОН ҲАҚНАЗАРОВ: НАРИШКИН ТОШКЕНТГА НИМА УЧУН КЕЛГАН ЭДИ?

беришди. Аммо рус разведкачиси ва ўзбек президенти учрашувида бошқа масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган эди. Шундай қилиб...

«Чўлок»қа Кремл томонидан огоҳлантириш

Нарискин ва Мирзиёев учрашувида шунингдек Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати (МХХ) раиси Рустам Иноятов ҳам иштирок этди. Учрашувнинг ёпиқ қисмида Сергей Нарискин ўзбек махсус хизматлари раҳбарининг президент Шавкат Мирзиёев томонидан бошланган ташаббус ва ислохотларга қарши ҳаракатлари масаласига ҳам тўхтаб ўтди. Россиянинг бош разведкачиси Иноятов ва унинг хизмати, фақатгина шахсий ва тижорий мақсадлари ортидан, қаердадир яширинча, яна қаердадир очикчасига Ўзбекистоннинг янги ҳукумати ташаббусларини сусайтиришга уринаётганликларига ўз норозилигини билдирган.

Рустам Иноятов, «бундай маълумотларни ёлғончилар таркатмоқда ва бу гапларнинг ҳеч бири ҳақиқатга тўғри келмайди», дея ушбу айбловларни рад қилишга урунган. Аммо рус разведкаси хизмати раҳбари, «бундай маълумотларнинг ҳақиқатга яқин эканлигини рус манбалари ҳам тасдиқлашмоқда», деб жавоб берган. Учрашув сўнггида С.Нарискин

Иноятовдан «республика президенти ташаббусларига қарши саботажни тўхтатиш»ни сўраган. Нарискиннинг ушбу муурожаати куруқ ва бироз қаттиқ оҳангда бўлган. Бундан ташқари Россия Ташқи разведка хизмати раҳбари МХХ раисига, ҳаттоки у нафақага чиққан тақдирда ҳам, шахсий ва мулкӣ даҳлсизлиги таъминланишини ваъда қилган.

Музокаралар залига чўлоқланиб кириб келган Иноятов, у ердан соғлом кадам кўйиб, чўлоқланмасдан қайтиб чиқган. Иноятов ўзининг юқори мартабали шахсларнинг раҳмига мўлжалланган ёлғон чўлоқланиш номери ўтмаганини ва ўтмаслигини тушунган кўринади. Балки Иноятовни Сергей Нарискиннинг ўзбек махсус хизматлари раисига шахсий ва мулкӣ даҳлсизликни ваъда қилгани руҳлантиргандир. Нарискин билан бўлиб ўтган учрашувдан сўнг ўзбек контораси раҳбари шу даражада сокин эдики, ҳатто уни энди президент Мирзиёевни МХХнинг бизнес-империясига хужумлари ҳам ўйлантирмай кўйгандек гўё. Шундай қилиб...

«Ўзбекистон Темир Йўллари» МХХ унсурларидан тўлиқ тозаланди

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан шу йилнинг феврал ойида «Ўзбекистон Темир Йўллари» давлат акционерлик

компанияси республика Миллий хавфсизлик хизмати билан у ёки бу даражада боғлиқ бўлган хусусий компаниялар ва шахслардан тўлиқ тозаланди. Хусусан, тўрт нафар энг йирик чекистлар компанияси темирйўл компанияси фаолиятида тендер катнашишларидан четлатилди. Бундан ташқари, аввал МХХ раҳбари томонидан тайинланган ва фақатгина «контора» раҳбариятига бўйсунган раис ўринбосари ваколатлари сезиларли даражада чекланди. Эндиликда «режимчилар» ўринбосари темирйўл компанияси раҳбари томонидан тайинланади ва бевосита давлат акционерлик компанияси раисига бўйсунди.

«Режимчи» - ўринбосарлар ваколатларини чеклаш барча давлат компанияларида амалга оширилиши кутилмоқда. Тез орада давлат компанияларини мххчи-коммерсантлардан химоя қилиш бўйича шу ва шунга ўхшаш бошқа чора-тадбирлар «Ўзбекистон Ҳаво Йўллари» да ҳам бошланади. Мамлакат иқтисодини Иноятов босими ва босқинчилигидан тозалашга катъий қарор қилган президент Шавкат Мирзиёев, шундай фирма ва компаниялар фаолиятини текширишни бошлади. Бу вазиятда баъзи чекист бизнесменлар қутулишнинг сўнгги чораларига муурожаат қилишга мажбурлар. Шундай қилиб...

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Жавобгарликдан қочиш илинжида ўз-мулкига ўт қўйиш

Шу йилнинг бошида Иноятлов чекистлари, барча молиявий ҳужжатларни йўқ қилиш ва «фавкулда вазиятлар сабаб» фаолиятларини тўхтатиш учун ўз фирмалари офисларига ўт қўя бошлади. Шундай ҳолатда Тошкентда, Иноятловга яқин бўлган, нафақадаги мххчи хўжайини ташаббуси билан ўт қўйилган, «Манас» ресторани ёниб кетди.

Бундан ташқари, «Чукурсой» қурилиш моллари савдо мажмуасида Иноятлов унсурлари, ўзларининг молиявий фирибгарликлари изини йўқ қилиш учун, ўз фирмаларининг бешта офисини ёқиб юборишди. Иноятлов унсурлари томонидан шунингдек Кадастр ва ер ресурслари бўйича давлат қўмитасидаги ҳужжатлар ҳам ёқиб юборилди.

Иноятлов бизнес-империяси қўлами ва қудрати ҳисобга олинса, бу йил биз чекист унсурлари томонидан у ёки бу компанияларда ва давлат ташкилотларида

уюштирилган яна кўплаб ёнғин-ўт қўйишларни кўраимиз. Шундай қилиб...

Сўнгсўз ўрнида

«Чўлок» назорати ва бизнеси даври ўз ниҳоясига етмоқда. Агарда бу ҳақиқатдан ҳам амалга ошса, у ҳолда ўзбек иқтисоди тоза ҳаводан нафас олиб, ҳақиқий тараққиёт йўлидан юра бошлайди.

Усмон ҲАҚНАЗАРОВ,
сиёсатшунос

22.03.2017



10 мингталикни 20 мингга сотиб оламан!

"Озодлик" радиосининг хабар беришича, 12 март куни Тошкентдаги қора бозорларда 1 АҚШ долларининг нархи янги рекорд кўрсаткич - 7500 сўмга чиқди. Икки кун аввал АҚШ долларининг қора бозордаги курси бир кун аввалгидан тақрибан 150 сўмга қимматлаб, 7400 сўмга тенглашган эди.

Озодлик тошкентлик қора саррофлардан олган бу маълумотларни 12 март куни шаҳарнинг бир неча қора пул бозоридаги вазият билан танишган фаол тингловчимиз Тошбек тасдиқлади.

Нега қимматлаяпти, ахир?!

Унинг саррофлар ва пулини алмаштираётганлар билан қилган мулоқотларига таяниб айтишича, сўм қадрининг пасайишига одамларнинг "доллар қимматлаб кетармиш", деган ваҳима ортидан ишламай ётган сўмларини алмаштиришга шошилиши, мавсумий омиллар, сўмнинг расмий курси сўнгги 1 ой ичида ҳафтасига қарийб 50 сўмдан кўтарилаётгани каби бир қатор факторлар туртки

бўлмоқда.

Март ойи бошлангунига қадар уч ҳафта ичида АҚШ долларининг Марказий банк томонидан белгиланадиган курси ҳафтасига қарийб 50 сўмдан қимматлади. Бу тенденция мартнинг биринчи 10 кунлигида ҳам давом этди. 7 март куни Марказий банк сўмнинг расмий курсини яна оширди ва шу кунда 1 АҚШ доллари 3452 сўм 30 тийинга тенг.

Расмий курсга паралелль равишда сўмнинг қора бозордаги курси ҳам ошмоқда. 2 март куни 1 доллар 7150 сўмга тенглашган бўлса, бу кўрсаткичга 8 кунда тақрибан 250 сўм қўшилди.

Моҳияти қулаш бўлган парвоз

Озодлик 2 март кунги материалида сўмнинг сўнгги ойлардаги динамикасига оид мана бу маълумотларни келтирган эди:

Марказий банк расмий сайтида келтирилган ўзбек сўмининг АҚШ долларига нисбатан расмий курси динамикасида, ҳар сешанба куни белгиланадиган ҳафталик курснинг 14 февралдан бошлаб қарийб 50 сўмдан оширила бошлагани

қузатилади. Расмий курс ошиши 14 февралга қадар ҳафтасига 14 сўмни ташкил қилган.

Банк архивидаги иловадан, 2016 йилнинг биринчи кунларида бир АҚШ доллари нархининг 2816.48 сўмдан бошланиб, йил охирига келиб, 3231.48 сўмга кўтарилгани кўрилади.

2016 йил давомида доллар расмий нархи 415 сўмга қимматлаган бўлса, 2017 йилнинг биринчи икки ойида доллар январнинг илк кунларига нисбатан қарийб 165 сўмга ошган.

Айни пайтда, Ўзбекистон қора бозоридаги нарх динамикасини мунтазам қузатиб бораётган dollaruz.com сайтига кўра, 2 март куни бир АҚШ долларининг сотиш нархи 7150 сўмга чиққан.

2016 йилнинг сўнгги кунда 6800 сўмга сотилган доллар реал курси 2017 йилнинг икки ойи ичида 350 сўмга ошган; кейинги икки ҳафтадаги қимматлаш эса 250 сўмга етган.

Номинал нархи ҳам, бозор нархи ҳам арзон "раритет"

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки сўм линиясидаги навбатдаги босқич-қийматдаги банкнота – 10 минг сўмликни 10 март куни муомалага киритди.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг энг катта қийматли пули "ўз ичига" расмий курс бўйича 3 бирликка етмаган, қора бозор курси бўйича эса, 1,5 бирликка етмаган АҚШ долларини сифдира олади, холос.

Тошкентлик Тошбекнинг айтишича, 10 мингталик банкнотани ҳали кўпчилик кўргани йўқ ва шунинг учун ҳам у ҳозирча, таъбир жоиз бўлса, раритетки, одамлар уни сувенир сифатида сотиб олишга қизиқиш билдирмоқда.

"10 мингталикни 20 мингга сотиб оламан, деяётганлар бор. 5 мингталик чиққанида ҳам шундай бўлган эди", деди Тошбек.

Манба: УХХ хабарлар
бўлими

Шундай қилиб, мана, 2017 йилнинг 11 март куни Тошкент шаҳар 3-сон болалар шифохонасини ёпилишига ҳам сабабчи бўлди....

Кутилмаганда набирамнинг тоби қочиб қолди.

“Тез тиббий ёрдам” машинасини чақиргандик, Тошкент шаҳар 3-сонли болалар шифохонасининг гўдаклар бўлимига олиб бориб ташлади.

Тошкентдагилар Учтепа туманининг “Штаб” деб аталадиган худудида жойлашган бу шифохонани “Она-бола” деб аташади.

Эндигина 6 ойлик бўлган набирам билан бизни уч болали аёл ётган палатага жойлаштиришди. Битта хонада болалар билан қўшиб ҳисоблаганда 8 киши бўлди.

Касалхона биноси ниҳоятда эски. Афтидан, бу ердагилар ана шу эскини ямагунча эслари кетган: Эвини қилиб таъмирлашган.

Бўлимдаги 40 она-ю 40 нафар болага биттагина ҳожатхона, юз-қўл ювишга биттагина рақвина.

Эрталаб боласи биғиллаган аёлларнинг ҳожатхонада турнақатор туришини кўринг....

Касалхонага жойлашишимиз биланоқ палата врачлари гўдагимни кўрган киши бўлиб қўлимга уколдорилар рўйхатини тутқазди: “Ойиси, буларни қанчалик тез келтирсангиз, муолажаларни шунчалик тез бошлаймиз” деди ўта мулойимлик билан, “Лекинчи, анальгин-димедрол уколи ўзимизда бор, шприц ҳам биздан” ғурурланиб қўшиб қўйди у.

Набирамнинг ҳарорати 38.8 эди. Барибир уйдагиларнинг дори-дармон келтиришларини кутишди.

Икки соат ўтар-ўтмай муолажалар бошланди.

Ҳарорат туширадиган дори қабул қилган гўдагимнинг ҳарорати тушиб, муолажанинг таъсир кучи кетгач, яна кўтарилиб кетиб, бизни юрак ўйноқ қиларди. Шу аснода сал кам бир ҳафтани ўтказдик ҳисоби.

Касалхонада мени таажжубга солган нарса шу бўлдики, ҳар куни кечкурун навбатчи ҳамшира гўдакларнинг “история”си(қасаллик тарихи)га оналардан имзо йиғишини қанда қилмасди.

“Бу нима ўзи, аввал ўқиб кўрсам бўладими?” сўрадим ҳамширадан.

Мендан бунингдек талабни кутмаган ёшгина ҳамшира таажжуб ва ҳайрат-ла қаради:

“Мана, болангизга бугун эрталаб, кечкурун – бир кунда икки маҳал

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш Тизимининг ҳоли шунчалар хароб... ми?

ампициллин, кечкурун бир маҳал анальгин-димедрол укол қилдик, ампициллин новакаинда эритилди. Мазкур муолажаларга керагича шприц ишлатилди. “Мана шу уколдорилар боламга қилинди. Бир маротабалик шприц кўз олдимда очилди” дея тасдиқлаб имзолаб беришингиз керак” дея уқтирди у.

“Қизим, - дедим ажабланиб, Кечирасизу, новакаин билан ампициллинни ўзим пулимга сотиб олиб келдимиз? Ўзим пулимга харид қилган дориға ўзим имзо ҳам қўйишим керакми ҳали?” кулдим ҳазил аралаш. Муолажага навбатда турган аёлларни менинг гапимдан гаши келиб, афтлари бужмайиб кетди: “Хола, шу гўдагингизнинг бош кўзидан садақа” деб қўявермайсизми, гапни кўпайтирмай. Нима, сиздан ошон сўрашибдими? Буларнинг тирикчилиги шуни орқасиданда!” деди улардан бири энасини қотириб. Ҳамшира эса зўрға ўзини босганича, “Эй, холажон, таомили шунақа. Биздан шуни талаб қилишади” дея елка қисди.

Ростдан ҳам боласи учун нималарга рози бўлмайди киши! “Хай, ке, болагинамнинг бошкўзидан айлансин” дедимиз, “История”нинг ҳамшира кўрсатган саҳифаларига жимжимадор имзоимни қўйиб беравердим, “Ҳайрият-ей, умрим давомида мендан ҳам кимдир имзо сўраркан, менинг имзоим ҳам кимгадир керак бўларкану” деб кулиб қўйдим.

Ҳар куни кечкурун шу ҳол такрор: “История”ларга оналарнинг имзо қўйиш маросими денг....

Биласиз, гўдаклар тун бўйи оч қолиб бир-икки безовта қилишади.

Палатамиздаги оналар гўдакларни йиғласа, кўкракларини тутиб қўя қолишади, мен эса набирамга суъний овқат тайёрлаш учун элеткр чироғини ёқишимга тўғри келади. Ёққаним заҳоти этларим жунжикиб кетади. Негаки, набирамнинг, ўзимнинг тўшагимдан “хўкиздеқ, хўкиздеқ” тараканлар ёруғликдан кўркиб тум-тарақай қоча бошлашади. Бирини ўлдириб, бирини тутишга ҳам улгурмай қоламан. Улар шунақнаги тез

ҳаракат қилишадики! Набирамнинг қулоғига кириб кетишидан кўркиб, гўдакнинг қулоқчаларига пахта тикиб қўяман. Боланинг овқат идишини ювиб қўйиш истагида ошхонага йўл оламан. Бу ердаги чирокни ёқсангиз, Худо беради: минглаб эмас, миллионлаб тараканчалар овқат тарқатадиган столнинг устида урмалаб юришган бўлади. Дарҳол қайнаб турган човгумни оламану, тараканларга “хужум” қиламан. “Вой, тавба, касалхонадаям шунақа кўп таракан бўлиши мумкинми?!” Тараканларнинг кўплигидан эси оғиб қолади кишини. Ҳар қалай, 5 кун даволанган бўлсак, Тошкент шаҳар 3-сон болалар шифохонасининг анча-мунча тараканларига қирон келтирдик....

Эрталаб ҳамширалардан бирига “Таракан дори қилсанглр бўлмайдими? Озиқ-овқат қўйиладиган шкафчалар-ку, таракан уя бўлиб кетган, ҳатто тўшакларни ҳам ишғол қилишган. Ошхонани-ку, айтмаса ҳам бўлаверади. Ҳар куни тунда минглаб таракан ўлдираяпман” дедим нолиб.

- Таракан шунчалар кўпки, дори қилгандан наф йўқ. Тараканни йўқ қилиш учун дезинфекция қилиш керак. Дезинфекция қилиш учун эса касалхонани ёпишга тўғри келади-да, - жавоб қилди ҳамшира лўндагина қилиб.

- Ёпиш керак бўлса, бирор ҳафтага ёпган маъқул эмасми? Таракан энг кўп инфекция тарқатувчи эмасми? Шусиз ҳам бетоб болаларнинг ҳаётини хатарга қўймасдан?, - деганимча қолавердим. Ҳамширанинг мени эшитишга фурсати бор эканми, кетди-ю – борди....

Бу тасодифми, билмадим, касалхонага тушиб қолганимизнинг тўртинчи куни шифокору ҳамширалар, ошпазлар, ҳамма-ҳаммаси типирчилаб қолишди: СЭСдан (санитария эпидемиология станцияси) текширувчилар келибди.

СЭС ходимлари кўп куттиришмади. Ҳаял ўтмай хонага тахминан 30 ёшлардаги йигит ўзига тенгдош иккита оқ халатли қизча билан кириб келди. Қизлардан бири қўлидаги савагчадаги таёқчаларни олиб биз ва гўдаклар ётган кроватларнинг чангидан гуё “намуна” олди.

- Сизлар СЭСдан бўлсангиз, бу арзимаган чанглари қўйинглр,

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

энг аввало, битта илтимос, тараканларимизни йўқ қилиб берсангизлар бўлгани, - дедим СЭС вакилларига.

- Таракан борми? – сўради елкасига оқ халат ташлаб олган йигитча.

- “Борми?” ҳам гапми? Миллионлаб, босиб кетган. Овқатланишга кўнгли тортмайди кишини....

Палатадош аёллар ҳам фикримни қувватлашди.

Йигит дафтарига нималарнидир қайд қилиб қўйди-да, на ҳа деди, на йўқ, ҳамроҳлари билан чиқди-кетди.

СЭС ходимлари кетгач, 10 дақиқалардан сўнг бошқа бир ёшгина аёл киши кириб келди. Дераза тоқчалари чангини кўра бошлади.

- Бизга тараканларни йўқ қилиб берсангизлар кифоя дегандик? – гап қотдим СЭС вакилига.

- Тараканми?

- Жудаям кўп, битта-иккита бўлганида гапириб ҳам ўтирмасдик. Кечалари болаларимизнинг тўшакларидан ўрмалаб чиқмоқда.

Кўрққанимиздан гўдакларнинг қулоғига пахта тикиб қўйиб ётибмиз.... Биз бу ердаги ҳамшираларга таракандан шикоят қилдик. Улар “Дори билан тараканни йўқ қилиб бўлмайди, дезинфекция қилиш учун касалxonани маълум муддат ёпиш керак” демоқда. Ёпиш керак бўлса, ёпишсин, тараканни йўқотишсин аввал, шундай эмасми?

Навбатдаги СЭС ходими ҳам дафтари қоралади-қоралади-да, палатани тарк этди.

Шу орада ошпаз хотиннинг “оналар, овқатга” деган овози эшитилди.

Ошхонага борсак, қарангки, бугунги кашага шакар қўшилибди. Ошпаз опа кашанинг устига пичоқнинг учида сарийё ҳам қўйиб таркатмоқда. Тухум ҳам бор. Бу тўрт кун давомидаги биринчи ҳолат эди. “Ана, бўларкан-ку?” дедим қулиб. Бу ошпаз опага ёқмади.

Ўша куни тушликка илк маротаба (биринчи ва охириги бўлса ажабмас) котлет ҳам беришди!

Ҳақиқий томоша 10 март куни, СЭС ходимлари келиб-кетишганларидан кейин бошланди.

Тушликдан кейин қаридорда “завотдел” аёлнинг дахшатли қичқириғи эшитилди: “Ярамастар! Ялқовлар! Ҳаммаси санларни

деб бўлди! Турларинг баринг! Нега ялпайиб ўтирибсанлар! Тушунтириш хатларингнн ёзларинг! Тез!...” Овоз шу қадар важоҳатли, шу қадар баланд эдики, овознинг

дахшатидан мазмунини англаб олиш душвор эди.

Ўша куни “Гўдаклар бўлими”даги тиббиёт ходимлари учун қиёмат қойим бўлди. Барчаси бир-бирларидан кўчириб, “Тушунтириш хати”ни “ижод қилишди”.

Кейин билсак, СЭС ходимлари “Гўдаклар бўлими”ни ёпишга қарор бериб кетган экан.

Бу оламшумул воқеадан кейин фаррош, ҳамшира, шифокор, бўлим бошлиғидан тортиб бош шифокорга қадар палатамизга кириб, мени “зиёрат” қилиб кетишди: барчасида зўр иштиёқ: “Гўдаклар бўлими”ни ёпилишига сабабчи бўлган “ойиси”ни - шикоятчини кўриш, саволга тутиш”.

Сўроқ-жавоблар бошланиб кетди:

- Сиз кимсиз?

- Бувисиман...

- Қандай касал билан келгансизлар?

- Баланд ҳарорат билан...

- Таракан борми?

- Ҳисобсиз.

- Арз қилган сизми?

- Мен.

- Нима дедингиз?

- Таракан тикилиб ётибди. Ёпиш керак дедим....

Йўқ, энг қизиғи бу эмас, энг қизиғини ҳали айтмадим. Кульманацион нуқтаси ҳали олдинда. Хуллас, мен гапимга исбот олмоқ истадим-да уйдагиларга кўнғироқ қилдим: “Эртага менга ўртоғимнинг видеокамерасини келтиринглар, бу ерда тараканлар базмини тасвирга олишни режалаштирганман” дедим.

Аммо шу кеча гарчи қўлимда видеокамерам бўлса-да ошхонадаги миллионлаб тараканларни суратга тушира олмадим.

Нимага дейсизми?: Видеокамера келтиришгандан, менинг мақсадимдан палатадошларим хабардор эди.

Тунги соат 3 да набирамни овқатлантиришга турганимда



бирдан ошхонага югургиламасдим, одатимга кўра аввалига қизалоғимни овқатлантирардим, ана ундан кейингина идишларини ювиш мақсадида ошхона томон йўл олардим.

Қизиғи шундаки, ҳар куни мен қатори ярим тунда туриб, қизалоғига кўкрагини тутиб, уйкуга кетадиган палатадошим шартта ўрндан туриб, мендан илгарироқ ташқарига шошилди. “Ҳожатга чиқди-да” деб ўйлагандим....

Набирамни овқатлантириб бўлиб, ошхонага борсам, не кўз билан кўрайки, электр чироқлари ёник, овқат тарқатадиган столнинг усти топ-тоза —чиннидек. Тараканлардан дарак йўқ. Кўзларимга ишонмадим. Кейин суриштириб билсам, уйғона солиб гўдагини эмизмасдан ташқарига чиқиб кетган палатадошим ошхонага бориб тараканлар билан махсус шуғулланиб қайтган экан. Негаки, унинг опаси айнан мана шу, биз ётган бўлимда “Старшей медсестра» бўлиб ишларкан....

11 март куни янги келган беморлар бошқа бўлимга кўчирилди. Гўдаклари тузук бўлиб қолган оналарга уйларида жавоб беришди.

Бизнинг палатамиздаги барчага жавоб тегди.

Қизиғи шундаки, бу касалхонадан кимки уйга кетадиган бўлса, албатта “Тилхат” ёзиб бериб кетиши шарт экан:

“Мен фалончи, боламни соғ-саломат ўз ихтиёрим билан уйимга олиб кетмоқдаман. Ҳеч кимга ҳеч қандай эътирозим йўқ. Ҳамширалар бир марталик шприцни кўз олдимда очиб, қўлига бир марталик қўлқоб кийиб укол қилди”

Шунингдек мазмундаги “Тилхат”ни ёзиб беришингиз мажбурий экан.

Мен ёзишдан бош тортгандим. Қўйишмади.

Шу савилни ёзиб бермасангиз, «выписка из истории» беришмаскан.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

“Завотдел”имизга учрашинг” дейшиди.

Учрашдим. “Аввал ёзинг” деган эди:

- Нега энди «Одноразивый перчатка»да укол қилишди” деб ёзишим керак экан? Ахир, менинг набирамга бир марталик қўлқопда укол қилишмагану? –этироз билдирдим.

Шу тобда ёнимдаги стулда ўтириб, “Тилхат” ёзаётган ёш она қарийб бўғзимдан олаёзди:

- Нега унақа дейсиз?! Нега ёлғон гапирасиз?! Ахир ҳаммаимизнинг боламызга ҳамширалар «Одноразивый перчатка»да укол қилишди-ку?! Ёлғон гапиришга уялмайсизми? Сизда ўша, ёлғоннинг ортидан касалхонани ёптирган?!- дея бобиллаб берса бўладими?

- Тушунмадим, қанақанги ёлғон ҳақида гап кетаяпти ўзи? - ажабландим. Эҳтимол, сизнинг болангизни «Одноразивый перчатка»да укол қилишган бўлса, бордир, бироқ менинг набирамни қилишган эмас. Сиз ўзингиз учун жавоб беринг, мен учун жавоб беришни ўзимга қўйиб берсангиз, майлими? Яна қай бир ёлғонга изоҳ керак? –сўрадим.

- Йўқ тарақанга ваҳима кўтарганингизчи? Мана, мақсадингизга эришдингиз!

- Ҳа-я, шуни айтинг!

- Ҳиммм...

Ён-атрофдаги аёллар ҳам қувватлашди уни.

-Нега тарақанни кўриб, кўрмадим дейсиз? Ёлғон гапиришга сиз уялишингиз керак эмасми? Тарақан 40 аёл кириб чиқаётган ўша ифлос ҳожатхонадаги болаларингизнинг “памперс”лари-ю, сиз эвлаб ташлолмаган “олвис”ларингиз орасида ўрмалаб, тўйиниб, ўша оёқчалари, ўша мўйловчалари билан келиб сизнинг, мана бу чақалогингизнинг идишида, пиёласи, ликопчасида, қошиқчаларида юрадиган, расво қиладиган, инфекция тарқатадиган паразит-ку у. Эрталаб турасизу, идишлардаги тарақан қолдирган ифлос изларни кўрмайсиз сиз. Ё ювасиз, ёки чала ювиб, яна болангизга ўша идишда овқат берасиз, ўзингиз ҳам овқатланасиз. Сизга шундай идишларда овқатланиш, инфекциялар орасида, тарақанлар даврасида яшаш ёқадими? Ёқса, марҳамат, яшайверишингиз мумкин, лекин

болангиз учун, мен учун, менинг болам учун жавоб берманг сиз, тушунарлими? – энди ростанам жаҳлим чиққанди. Шу сабаб аёлнинг кўз олдига аниқ-тиниқ келтириш учун борича тасвирлаб бериб қўя қолдим.

- Эй, бўлди, бўлди қилинг-э, энди овқат ҳам еяолмайман кўнглим айниб, - деди “Тилхат” ёзаётган аёллардан бири.

- Кўнглингиз айнимасин, аллақачонлар шундай идишлардаги овқатларни ҳазм қилиб бўлгансиз, - дедим-да, ўзим билганимча “Тилхат” ёзиб, кетдим.

Ортимдан “Завотдел”нинг “Ойиси, имкониятингиз етса, ўзингиз ётган простиналарни ювиш, хоналарни тозалаш учун битта кир сода билан битта кир ювиш совуни сотиб олиб, ташлаб кетсангиз” деган талаби эшитилиб қолди...

Эҳ, тиланчиликнинг қандай йўлларини ўйлаб топишмайди-я, бизнинг одамлар?!...

Ваҳоланки, бу шифохонада бирорта “ойиси” ёки “боласи” касалхонанинг чойшабларида ётган эмас. Ҳагто кўрпа, болишигадовур уйдан келтирганлар бор.

Бироқ, бирорта “ойиси” “Нега энди кир сода, кир совун сотиб олиб беришим керак? Мен касалхонангизнинг чойшабларидан фойдаланмадим-ку?” дейиш хусусида ўйлаб ҳам кўрган эмас.

“Ҳаҳ, боламизнинг бош-кўзидан садақа” дея биттамас, иккитадан кир сода ва совун ташлаб кетишмоқда....

Мен юкоридаги воқеаларни беҳудага ҳижжалаб, миридан-сиригача ёзган эмасман....

Бу билан одамларимизнинг феъл-атворини, дунёқарашини очиб бермоқчиман, холос.

Нега биз шунақа халқимиз-а?

Нега оқни қора, қорани оқ деймиз? Нега рост гапирмаймиз? Нега ҳақиқатни тан олмаймиз? Нега ўз ҳақ-ҳуқуқимизни талаб қилмаймиз? Нима учун рост гапирганларга, ҳаққини талаб қилганларга ёвқараш қиламиз, айбситамиз?

Ёлғонлар уммонида сузиш шунчалар ёқадими бизга?

Ахир, куни келиб айнан ўша уммондаги ёлғонлар гирдобини ютиб юборадику бизни, миллатимизни....

Нега биз ҲАҚ гапдан ҳайиқамиз?...

Малоҳат Эшонқулова
мустақил журналист ва
ҳуқуқбон

Орифсиз маориф

Кеча мактабда китобхонлар кечаси бўлди. Уқувчилар ёдлаб олган ва ёдлагилган гап ва саволларини «намойиш» қилишди. Улардан Азиз Несин, Марк Твен, Жек Лондонни биласизларми?,- деб сўрасам, олти юз бола бир - бирига ҳайроон қаради.

Ким қандай китоб ўқияпти?,- десам, «Сариқ девни миниб» ва «Ўтган кунлар»дан нарига ўтишмади.

«Гунча», «Гулхан»журналлари ўқийсизларми?,- десам яна довдираб қолишди.

«Тонг юлдузи» газетасини-чи?,- десам, маълум сукутдан кейин бир она секин ўрнидан туриб савол берди. Чунки «китобхон» она ва оталар ҳам келганди-да.

- «Тонг юлдузи» олдинги «Ленин учқуни»ми?..

Яна кимдир лукма ташлади:

- «Гулхан» ва «Гунча» ҳалиям чиқяптими?..

Давлатимиз болаларимиз ўқисин, деб нархини оширмай болалар нашрига этибор берса-ю, булар довдираса, тавба!

Устозлар ёки ота - оналарда ҳам айб бордир. Аммо асосий айбдор халқ таълимидаги мутасадди раҳбарлардир! Ўқитувчиларн «қайта ўқиш»лари учун мажбуран, минг бир тазиийқлар билан икки юз, уч юз минг сўмлаб сарфлатиб, партия ва муаллимлар нашрларига обуна қилдиришади.

Тушунолмайман, биз болаларни ўқитиб, имтиҳон қиламизми ёки зиёли аталмиш ўқитувчиларни?!

Бир йилга Тошкентда

«Гунча» 9 минг;

«Гулхан» 13 минг 400;

«Тонг юлдузи» 14 минг сўм.

Болалар битта ширин сув ва ялтироқ қоғозли сақичдан воз кечиб, ўзларича ўз нашрларига обуна бўлишни билмайди. Чунки тахририят ходимлари ҳамма мактабга ялиниб бориб, минг бир илтимос қилишларига имконлари йўқ.

- Болалардан беш юз сўмдан пул йиғиб, бир синфга биттадан ёзилганмиз, - деди бир устоз.

У ҳам гоҳ келади, гоҳо йўқ...

Тавба, газета ва журналлардаги жажжи хикоя ва шеърларни ўқиб китобхонликка қадам ранжида қилганимизни наҳотки биз катталар унутиб қўйган бўлсак?!.

Умида Абдуазимова
Манба: facebook.com

Ушбу мақолада биз сизга қандай қилиб Каримов режими томонидан таланган турк тадбиркорлари ўзбек бош вазир ўринбосари Рустам Азимовга Ўзбекистондаги “қулай” сармоя муҳити ҳақидаги барча ҳақиқатни қатъий тарзда билдиришганини айтиб берамиз. Шундай қилиб...

Рустам Азимовнинг Туркияга шармандали ташрифи

Шу йилнинг 27 феврал куни бош вазир ўринбосари Рустам Азимов бошчилигидаги ўзбек делегацияси ўзбек иқтисодига турк сармояларини жалб қилиш масаласида Туркия президенти ва бош вазири билан учрашиш учун Истанбулга келди. Аввал Р.Азимов “Бейлербеи” резиденциясида президент Ражаб Эрдуғон тарафидан қабул қилинди. Кейин эса ўзбек меҳмонни Туркия бош вазири Бинали Йилдирим ва бошқа ҳукумат аъзолари қабул қилишди.

Ушбу учрашувларда Рустам Азимов Туркияга Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёевнинг кўрсатмаси билан, ўзбек иқтисодига 4,5 миллиард доллар миқдорда турк сармоясини жалб қилиш учун келганини баён қилди. Р.Азимовнинг ташрифи мақсадидан хабардор бўлган турк тарафи 1 март куни Анкарада илгари Ўзбекистонга сармоя киритган турк тадбиркорлари билан учрашувни ташкиллаштирди.

Ушбу учрашувда Ўзбекистон томонидан ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири Элёр Ганиев, Ўзбекистоннинг Туркиядаги элчихонанинг сиёсий масалалар бўйича маслаҳатчиси Шуҳрат Йигиталиевлар ҳам иштирок қилишди. Турк томонидан эса бош вазир Бинали Йилдирим, бош вазир ўринбосари Туғрул Туркаш, иқтисодиёт вазири Ниҳот Зайбакчи ва қатор турк тадбиркорлари қатнашди.

Аввало учрашувда Рустам Азимов “оташин” нутқ билан чиқиш қилди ва оғиз кўпиртириб Ўзбекистондаги сармоя муҳитини жаҳон иқтисодиётидаги ноёб ва жаннатга ўхшаш бир ҳодиса сифатида мақтади. Кейин сўз собиқ «Turkuz-Tashkent» савдо мажмуаси соҳиби, иқтисодий жиноятлар содир қилганлиги учун 2011 йилдан 2013 йилгача ўзбек қамоқхоналарида жазо муддатини ўтаган Воҳид Гунешга



УСМОН ҲАҚНАЗАРОВ: РУСТАМ АЗИМОВ УЧУН ТУРКИЯ ҲАҚИҚАТИ

берилди. Биз В.Гунеш нутқининг тўлиқ матнини келтириб ўтишни лозим топдик, чунки бу ерда Ўзбекистондаги сармоя муҳити, Каримов режими амалдорларининг турк тадбиркорларига бўлган муносабати ҳақидаги барча ҳақиқат ифода қилинган. Шундай қилиб...

Воҳид Гунешдан оғир ҳақиқат

“Ҳурматли жаноб президент, жаноб бош вазир! Ҳурматли турк ҳукумати аъзолари, тадбиркор ҳамкасблар! Ҳозиргина жаноб Рустам Азимов Ўзбекистондаги сармоя муҳитини жаннатга ўхшаш бир нарса сифатида мақтади. Ҳозир эса мен бу сармоя “жаннат”и ўзи аслида нимани англатишини айтиб бермоқчиман.

Рустам Содиқович мен ўзбек тилида гапираман. Чунки кўркаманки сизнинг таржимонларингиз менинг барча гапларимни таржима қилишдан кўрқишлари мумкин.

Рустам Содиқович, аввало мен ўзбек ҳукуматининг бош вазир ўринбосари сифатида, сиз ҳақингиздаги энг асосий ҳақиқатни айтиб ўтишни хоҳлар эдим. Жаноб Азимов, сиз, худди марҳум хўжайинингиз Ислом Каримов каби, – Туркия ва туркларнинг ашаддий душманисиз. Каримов ҳукумати ва режимининг содиқ аъзоси сифатида, сиз нафақат барча турк, балки бутун туркийликдан нафратланасиз. Сизни “туркий бирлик” ва “туркий биродарлик” каби сўз бирликлари ваҳимага

солади, туркий сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлик ҳақида гапирмаса ҳам бўлаверади. Мен ҳаттоки сизнинг жабрдийда ўзбек халқини севишингизга ҳам шубҳа қиламан.

Сиз бу ерга ўзингизнинг ишончингиз учун ёки ўз мамлакатингиз халқига ёрдам бериш иштиёқида келмадингиз. Сиз фақатгина Ўзбекистонни Ислом Каримов ва унинг режимидан қолган ахлатдан тозалашга қарор қилган янги президент Шавкат Мирзиёевнинг кўрсатмасига биноан келдингиз.

Биз президент Шавкат Мирзиёевнинг ушбу ташаббусини қўллаб-қувватлаймиз. Аммо шу билан биргаликда биз, Мирзиёевга ўзи бошлаган ташаббусларни муваффақиятли амалга ошириш насиб этишига ишонмаймиз. Чунки ўзбек ҳукуматининг асосий лавозимлари ҳалигача, ўзбек иқтисодиётида, сиёсатида ва жамиятида ўзгаришлар бўлишини жудаям истамаётган Каримовчи-амалдорларга тегишли.

Очиқ айтаман: Ўзбекистон иқтисоди КГБ идораси кўлларида бўлишда давом этар экан, шахсан мен ҳеч қачон Ўзбекистонга ушбу мамлакат иқтисодига сармоя киритиш учун бормайман. Тоғут Ислом Каримов 2016 йилнинг август ойида вафот этди. Олдимизда 2017 йилнинг март ойи. Яъни, президентлик лавозимига Шавкат Мирзиёев ўтирганидан буён ярим

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

йил ўтди. Аммо МХХ раиси Рустам Иноятов ва Давлат Солиқ қўмитаси раҳбари Ботир Парпиев ҳалигача ўз лавозимларида қолмоқдалар ва Ўзбекистон иқтисодини бошқаришда давом этмоқдалар.

Мен аминманки, бу икки махлуқ ҳар қандай йўллар билан президент Шавкат Мирзиёевнинг ижобий ташаббусларига тўсқинлик қилишади. Мен аминманки, бу икки очкўз қудалар Ўзбекистондаги муваффақиятли ва ҳалол тадбиркорларнинг бизнесини тортиб олишда давом этишади. Иноятов ва Парпиев – ўзбек халқи ва давлатининг душманларидир. Мен уларнинг этник ўзбек эканлигига ҳам шубҳа қиламан.

Мен ўзбек бюджетига солиқларни тўлашни хоҳлаганимда, Давлат солиқ қўмитаси раҳбари Ботир Парпиев менга одам юбориб, ушбу пулларни давлат ғазнасига тўламасдан, пулнинг ярмини нақд доллар кўринишида унинг ўзига беришимни талаб қилди. “Агарда пулларни давлат ғазнасига тўлашга урунсанг, менинг қўмитам текширувларидан қочиб қутулолмайсан!”- деган Б.Парпиев. Менинг ўзбек қонунчилигини бузишдан бошқа чорам қолмади.

Мен тарафдан олиб кирилган импорт маҳсулотлари учун Ўзбекистон Божхона қўмитасига давлат божини тўлашни истаганимда эса олдимга МХХ раиси Рустам Иноятовнинг вакили келиб ушбу пулларни давлат ғазнасига тўламаслигимни талаб қилди. “Ушбу пулларнинг ярмини бизга тўланг, шунда сизни шахсан раиснинг ўзи ҳимоя қилади. Агарда пулларни божхонага тўласангиз, биз сизга эртагаёқ маска-шоу уюштирамиз”,- деди Рустам Иноятовнинг одамлари ва мени Ўзбекистон қонунларини бузишга мажбур қилишди.

Иноятов ва Парпиев – давлат миқёсидаги ўғри ва босқинчилардир. Улар ўзбек халқини ҳар сонияда ва ҳар дақиқада талон-тарож қилишмоқда. Ва мен ушбу қароқчиларнинг ҳали ҳам Ўзбекистонда ҳокимиятда қолаётганларини кўриб, ҳаттоки Шавкат Мирзиёевнинг яхши ниятли бошланғич қадамларига ҳам ишонмайман.

Энди эса мен Туркиялик ўз ҳамкасбларимга мурожаат қилмоқчиман. Жаноб ҳамкасблар, жаноб Азимовнинг ваъдаларига

ишонманг. Президент алмашишига қарамай, Ўзбекистон очкўз чекист Рустам Иноятов ва унинг қудаси Ботир Парпиев тарафидан бошқариладиган қатта бир қамоқхоналигича қолмоқда.

Шуни эсдан чиқарманг: Ўзбекистон иқтисоди КГБлик элементлар қўлида қолар экан, республика ҳокимиятида Рустам Азимов каби одамлар ишлашда давом этар экан, ҳар қандай чет эллик тадбиркор ўз сармоясига жавобан қамоқ муддати олишади.”

Рустам Азимов ушбу гапларни боши эгик ҳолда эшитиб ўтирди.

Воҳид Гунешдан сўнг, қачонлардир худди у каби Каримов режими ваъдаларига алданган текстилчи тадбиркорлар чиқиш қилди. Турк тадбиркорлари Тошкент шаҳри туманларидан бири ҳақида қизик бир тафсилотни айтиб беришди. Шундай қилиб...

Юнусободни сайр қилишга борманг, бойлар!..

Турк текстилчиларининг сўзларига қараганда, Рустам Иноятовнинг мххчилари тадбиркорларга атай “тузоқ” уюштиришади, асосан бу ҳодисалар тошкент шаҳрининг Юнусобод туманида юз беради. “Нега улар бундан айнан Юнусободда қилишади? Чунки ушбу туман прокурори Илхом Усмонов Рустам Иноятовнинг малайи. У ушбу лавозимга шахсан Иноятов томонидан, ўзбек махсус хизматлари раисининг уйда ошхона ва хўжаликка кўз-қулоқ бўлиши учун тайинланган”,- дейди Туркиялик текстилчи. Уларнинг айтишича, Юнусобод прокуроридан ҳаттоки кўплаб ўзбек ҳукумати амалдорлари ҳам кўрқишар экан.

Агарда ўзбек мххчилари кимнингдир бизнесини тортиб олмоқчи бўлишса, улар Юнусобод туманидаги кафе ва ресторанларда “пистирма” ёки “тузоқ” уюштиришади. Ва қачонки юқори лавозимли амалдор-танишлар “тузоқ” кўйилган тадбиркор тарафини ола бошлашса улар йўлига Илхом Усмонов чиқиб, бу иш шахсан Рустам Иноятов назорати остида эканлигини айтади. Шундан сўнг ҳар қандай амалдор тадбиркор ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан чекинади.

“Агарда сизга Юнусободдаги кафе ва ресторанлардан бирида иш масаласида учрашувни таклиф қилишса, бундай учрашувларга

ҳеч қачон рози бўлманг. Юқори эҳтимол билан у ерда Иноятов мххчи-қароқчилари сизнинг ёнингизга гиёҳванд модда, ёки диний варақалар ташлаб кўяди, ёки сизнинг суҳбатингизни видео ёки аудио лентага ёзиб олишади”,- дея бир-бирларига маслаҳат беришди турк тадбиркорлари.

Юнусобод тумани прокурори Илхом Усмоновнинг Иноятов “контора”сининг қароқчилик фаолиятига алоқадорлиги ҳақидаги Турк тадбиркорлари ҳикоялари Ўзбекистоннинг сармоя муҳити ҳақидаги ҳақиқатга чизгилардан бири бўлди.

Сўнгсўз ўрнида

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан бошланган ижобий ташаббусларга қарамай, чет эллик, асосан Туркиялик сармоядорлар ўзбек иқтисодига маблағ ётиришга шопилмаяптилар. Бундай шопмасликнинг сабаби эса бошланган ташаббусларнинг муваффақиятли амалга оширилиши ва тугатилишига бўлган ишончсизликдир. Чет эллик сармоядорлар томонидан бундай ишончсизлик учун асос эса, Ўзбекистон иқтисодини назорат қилишда давом этаётган МХХ раиси Рустам Иноятов ва Давлат солиқ қўмитаси раҳбари Ботир Парпиевнинг ўз лавозимларида қолаётганларидир.

Шу сабабдан Рустам Азимов Туркиядан фақатгина 1 миллиардлик сармоядорлик шартномаси билан қайтди. Шавкат Мирзиёев Рустам Азимовнинг Туркияга қилган ташрифи натижаларидан ўз норозилигини билдиргандан сўнг, ўзбек Бош вазир ўринбосари 6 март куни яна турк сармояларини сўраш учун Ражаб Эрдуғон олдида учиб кетди.

Аммо Туркия президенти ва бош вазири яна бир бор Р.Азимовга, “Туркия раҳбарияти ва ҳукумати турк тадбиркорларининг ўзбек ҳукуматига бўлган ишончларини зўравонлик билан қайтара олмасликлари”ни айтишган. Натижада Р.Азимовнинг Истанбулга иккинчи ташрифи ҳам муваффақиятсиз яқунланди.

Сармоядорларни алдаш ва уларнинг ишончини йўқотиш оқибатлари мана шундай бўлади!

Усмон ҲАҚНАЗАРОВ,
сийёсатшунос

14.03.2017



СОБИҚ СИЁСИЙ МАҲБУСЛАР ОЧИҚДА ҲАМ НАЗОРАТ ОСТИДА ҚОЛМОҚДА

14 йил қамокда сақланган ва 2014 йилда озодликка чиқарилган сиёсий маҳбус Мамадали Маҳмудовга мамлакатдан хорижга чиқиш визаси берилмапти. Сал кам чорак аср тутқунликда ўтирган яна бир сиёсий маҳбус Самандар Қўқоновнинг эса, Ўзбекистон ичида ҳаракатланиши чекланган. 18 йиллик қамок ортидан ўтган ойда очикликка чиққан журналист Муҳаммад Бекжон эса ўзбек паспортини олиш қайғусида юрибди.

Эврил Турон тахаллуси билан 1980-90 йилларда жамоатчиликка кенг танилган ўзбек ёзувчиси Мамадали Маҳмудов шу йилнинг июнь ойида уч ойга Чехияга ижодий сафарга таклиф этилган.

У чиқиш визасини олиш учун ўзи яшайдиган ички ишлар идорасининг Хорижга чиқиш-кириш бўлимига ўтган йилнинг июнь ойида бошида мурожаат қилган, лекин ҳануз жавоб олмаганини айтади.

- Ўтган йилни 10 июнь куни қизим билан Мирзо Улуғбек тумани ОВИРига ҳужжат топшириб, пулини ҳам тўлаб қўйганман, тўққиз ой ўтди, ҳали жавоб йўқ. Ё ҳа демайди, ё йўқ демайди. Мен Прагага ижод қилиш учун стипендияни қўлга киритганман, у ерда асар ёзаман. Лекин, чет элга чиқиш рухсатномасини беришмапти, - дейди Мамадали Маҳмудов.

Маҳмудов 1999 йилги Тошкент портлашларида айбланиб қамалган ва 2014 йилда озодликка чиққан эди. У ўзига қўйилган айбловларни рад этган.

Ўзбекистон қамоғида сал кам

24 йил ўтирган ва ўтган йил октябрь ойида озодликка чиққан яна бир сиёсий маҳбус Самандар Қўқоновнинг эса Ўзбекистон ичида ҳаракатланиши чекланган.

У Тошкентдан чиқмаслик ҳақида оноҳлантирилгани сабабли бошқа вилоятларга боролмаётганини айтади.

- ОВИР виза у ёқда турсин, мен вилоятга қариндошларимни кўргани боролмайман. ОВИР визасини оламан деганлар чучварани хом санабди, бермайди. Мен мана 6 ойдан буён надзор остидаман. Кечки соат 8 дан эрталаб 6 гача уйдан ҳеч қаяққа чиқишим мумкин эмас. Бошқа вақтда шаҳардан ташқарига чиқишим мумкин эмас. 24 майда надзор тугайди, у ёғи бир гап бўлар. Қамокда 24 йил ўтирдим, чиққанимга шукур қиламан. Лекин, кеча паспортни олдим, - дейди Қўқонов.

Самандар Қўқоновни маҳкама давлат мол-мулкани талон-тарож қилишда айбдор деб топган, 20 йиллик қамок жазосига ҳукм этган.

Кейинчалик 72 ёшли Самандар Қўқоновнинг жазо муддати яна 3 йилга узайтирилганди.

Қарийб 18 йил Ўзбекистон қамоқхоналарида ўтириб, ўтган ой очикликка чиққан журналист Муҳаммад Бекжонни эса тезроқ ўзбек паспортини олиш ўйлантирмоқда.

Қамокқа чиққанидан сал кам бир ой ўтиб ҳам собиқ сиёсий маҳбусга паспорт берилмаган.

- Хоразм вилояти Янгибозор тумани ИИБсидан паспорт талаб қилдим. Улар Тошкентга запрос

жўнатдик, жавоб келса бир кунда қилиб берамиз, дейишди. Менга қамокдан чиққаним ҳақида ҳужжат беришган ҳозир шу қоғоз билан юрибман. Бир парча қоғоз у, паспорт эмас, - дейди Муҳаммад Бекжон.

Муҳаммад Бекжон Тошкентдаги уйини қайтариш ва фарзандларининг Ўзбекистонга келишига изн бериш борасида ҳукуматдан сўраган илтимосига ҳануз жавоб олмаганини айтди.

У Америкага болалари олдида боришдан кўра, уларнинг Ўзбекистонга келишини кўпроқ истаётганини билдирди.

63 ёшли Муҳаммад Бекжон дунёдаги энг узок муддат қамокда ўтирган журналист ҳисобланади.

У муҳолифатдаги "Эрк" демократик партияси раҳбари Муҳаммад Солиҳнинг укаси ва "Эрк" рўзномасининг собиқ бош муҳарриридир.

Тошкентдаги Инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари ташаббус гуруҳи раҳбари Суръат Икромов қамокдан чиққан собиқ сиёсий маҳбуслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан шуғулланади.

-Кўп йиллар қамокда ўтирган собиқ сиёсий маҳбусларга нисбатан негадир шундай бўляпти. Уларни ҳаракатланиш ҳуқуқлари чекланыпти. Паспорти вақтида берилмайди. Холбуки улар ҳамма қатори ҳуқуққа эгадирлар. Ҳукумат бунини сабабини айтмайди. Бу собиқ маҳбусларнинг ҳаммасининг ёши бир жойга етган. Буларни ҳеч қаярга кетиб қолиш нияти ҳам бўлмаса керак. Мамадали Маҳмудов ижодий ишларини қилиш учун Чехияга чақирилган, чиқиш виза берилмапти. Биз ҳозир судлар орқали уларни ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ҳаракат қилиб кўрамиз ва охиригача курашамиз, - дейди Суръат Икромов.

Ўзбекистонда президент Ислоҳ Каримов вафоти ортидан ўтган олти ой ичида уч сиёсий маҳбус озод этилди.

Булар Бобомурод Раззоков, Самандар Қўқонов, Муҳаммад Бекжон. Айни пайтда, Ўзбекистон қамоқхоналарида сиёсий ва касбий фаолияти учун жазоланган қатор муҳолифат фаоллари ва журналистлар қолмоқда.

Улар орасида Юсуф Рўзимуродов, Солиҳон Абдурахмонов, Аъзам Фармонов, Дилмурод Саидов, Аъзам Турғунов каби журналист ва ҳуқуқ ҳимоячилари бор.

Манба: "Озодлик" радиоси

"Озодлик" радиоси ўтказган кичик суриштирув давомида аниқланишича, 7 мартдан бошлаб давлат томонидан белгиланган нархдан қиммат сотиш тақиқланган ижтимоий аҳамиятга эга импорт дорилар Тошкент шаҳри ва вилоят аптекаларидан бирин-кетин ғойиб бўлмоқда. Бу дориларни ўзи олганидан арзонга сотишни истамаган хусусий аптекалар, уларни



радиоси боғланган компания вакили.

Норасмий изох

"Озодлик" радиоси билан суҳбатда Ўзбекистон дори-дармон бозорига бевосита алоқадор тадбиркор бундай изохни, "кучли оптимизм" деб баҳолади.

"Дори-дармон" президент қарори бўйича аптекаларни 227 турдаги дори-дармон воситаси билан узлуксиз таъминлаши

Қоп-қора бозор

пештахталардан олиб, "қўл"да сотишни йўлга қўя бошлаган.

Ҳаёт-мамотга айланган дорилар

Тошкентлик Фарҳод астма касалига чалинган ва унинг ҳаёт-мамоти хориждан келтириладиган сальбутамол сепма дорисига боғлиқ. Фарҳоднинг айтишича, у 19 март куни бу дорини кидириб, Тошкентдаги 30 га яқин аптекага кириб чиққан, аммо уларнинг ҳаммасида бир хил "йўқ" деган жавобни олган.

Бундай "йўқ"лар сабаби эса жуда жўн - сальбутамол - 7 мартдан бошлаб ҳукумат томонидан белгиланган нархда сотилиши шарт қилиб белгиланган 227 турдаги импорт доридан бири.

Ҳукумат қарори билан 7 мартгача барча аптекаларда 15-20 минг сўм атрофида сотиб келинган бу дорининг улгуржи нархи 8012 сўм қилиб белгиланди ва айни кундан бошлаб дорихона пештахталаридан ғойиб бўла бошлади.

"Бу дорини, асосан, хусусий компаниялар олиб кирган, аптекачилар оптовий базалардан олиб, сотиб келишган. Ҳукумат белгилаган нарх, долларнинг давлат курси бўйича ҳисобланган. Хусусий ширкатлар эса уни қора бозор курсида олиб кириб, қора бозор нархига мослаб сотаётган эди. 8000 сўмга сотиш, уларни зарарга қўяди, шунинг учун хусусийлар уни секингина аптекалардан йиғиштириб олди. Ўзи 13 минг сўмга олган дорини ким 8 мингга сотади. Қимматга сотса, жазоси оғир, аптекаси бекилиб кетади. Шунга сальбутамол, яна бошқа бозор кўтармайдиган дориларни қўлга чиқариб юборишди", дейди "Озодлик" радиоси билан микрофонсиз суҳбатда дори-дармон савдосига бевосита алоқадор тошкентлик тадбиркор.

Аптекама-аптека югуриб,

нафаси қисиб, хириллаб қолган Фарҳод ҳаётини ҳам, айтишича, ана шундай "қўлдаги дори" сақлаб қолган. Унинг ҳаёти хавф остида қолганини кўрган аптекачилардан бири "ўз одами"га телефон қилиб, тезда сальбутамол олиб келишни сўраган. Чопар олиб келган сепма дорини Фарҳод сотувчидан кўчада 7 мартгача бўлган нарх - 18 минг сўмга сотиб олган.

"Бунақа вазиятда одам миллион бўлсаям беришга тайёр бўп қоларкан, пул жондан азизмаску ҳар қалай! Мен битта эмасман, яна қанчадан-қанча одам зириллаб аптекама-аптека чопиб, онасигами, боласигами импорт дори излаб юрипти. Нархларни белгилаган ҳукумат нимага унинг таъминотини эплолмапти?", дейди Фарҳод.

Расмий изох

20 март куни "Озодлик" радиоси бу саволга жавоб сўраб, мамлакат дорихоналарини нархи қатъий белгиланган ижтимоий аҳамиятга эга 227 турдаги импорт дори ва дори воситаси билан таъминлаш ваколати юклатилган ширкатлардан бири - "Дори-дармон" акциядорлик компанияси билан боғланди.

Ўзбекистонда расмий байрам куни бўлгани учун мутасадди расмийларнинг иш жойида эмаслигини билдирган "Дори-дармон" хизматчиси айрим импорт дориларнинг аптекалардан йўқолиб қолганини, вақтинча муаммо сифатида талқин қилишга уринди.

"Президент қарори кучга киргандан бери, "Дори-дармон" ширкати нархи белгиланган дориларнинг янги партиясини олиб киргани йўқ. Ҳозиргача фақат омборхонада бор дорилар тарқатилди, холос. Лекин бу бўйича янги контрактлар имзоланди, яқин орада 227 турдаги дори кела бошлайди. Шунда муаммо ҳал бўлиши керак", деди "Озодлик"

керак. Уларда давлат курси бўйича конвертация қилиш ҳаққи бор ва ташқаридан бу дориларни улар олиб кирса, нисбатан арзонга тушиши аниқ. Лекин бутун мамлакатдаги 8000 дан ошдиқ аптекани таъминлай олишига кўзим етмайди. Энди яна навбат ва норма тизими пайдо бўлиб, ҳар аптекага 2 тадан ё 10 дан тарқатишни йўлга қўйишса керак. Хусусий компаниялар бу дорини олиб келишни тўхтатади, чунки уни реализация қиладиган жой қолмади. Аптекалар белгиланган нархдан 100 сўм қимматга сотсаям, суд қилиб, жарима солиб ёпиб юборапти. "Дори-дармон" бутун мамлакатдаги эҳтиёжни қондиришига кўзим етмайди, шунга бу дорилар дефицити пайдо бўлади, деб ўйлайман", дейди тадбиркор.

"Озодлик" радиоси билан суҳбатда Тошкентдаги қатор аптекалар, қолаверса, Бухоро, Наманган ва Фарғонадаги марказий аптека ходимлари нархи белгиланган ижтимоий импорт дорилар рўйхатидаги гепарин, бензонал каби дорилар йўқлигини 20 март куни тасдиқлашди.

Айни пайтда улар бу дориларнинг маҳаллий аналоглари борлиги, улар нархининг эса, импорт доридан икки баравар қимматлигини кўшимча қилишди.

1 январдан кейин ёпилаётган аптекалар сони кескин кўпайди

Ўзбекистон муваққат президенти Шавкат Мирзиёев 2016 йилнинг 31 октябрида имзолаган "Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чоратадбирлар тўғрисида"ги қарор 1 январдан кучга кирди.

Бу қарор, унинг илк жумласига кўра, "аҳоли ва тиббиёт

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)


муассасаларининг арзон ва сифатли дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминланганлик даражасини янада ошириш, уларнинг нархини белгилаш бўйича очик-ошкора механизмни жорий этиш, мамлакатимизда арзон ва сифатли препаратлар бўлишига қарамасдан ташхис қўйиш ва даволаш стандартларида кўзда тутилмаган ҳамда асосан қиммат импорт дори-дармон воситаларини тавсия этиш каби номақбул амалиётнинг олдини олиш ва келгусида бундай ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида” қабул қилинди.

Мазкур қарорда Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментига “дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларининг улгуржи ва чакана савдоси билан шуғулланувчи ташкилотлар улар нархининг давлат томонидан белгиланган тартибга риоя этиши устидан назоратни ташкил этиш ҳамда унинг бузилиши аниқланганда қонун ҳужжатларига мувофиқ чоралар кўриш учун тегишли материалларни, шу жумладан текшириш учун харид қилиш ва назорат остида олиш бўйича материалларни лицензияловчи органга киритиш; сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини муомалага чиқаришга қарши курашиш бўйича ишларни кучайтириш” вазифаси юклатилди.

“Озодлик” радиоси суҳбатлашган фарғоналик аптекачилардан бирига кўра, 1 январдан бери биргина Фарғонада 18 дориҳона фаолияти, давлат белгилаган нархларда сотиш талабига амал қилмаганлик каби айбловлар билан суд қарори асосида тўхтатилган ва яна 40 та аптека устидан суриштирув жараёни бормоқда.

“Тошкент шаҳрида ёпилган аптекалар сони 60 тадан ошди. Бу жараён давом этаяпти. Прокуратура ўз одамларини киритиб, рўйхатдаги дорини олдираяпти. Агар давлат белгилаган нархдан 200 сўм қимматга сотгани аниқлансаям, иш очиб, хўжалик судига ошираяпти. Аптекалар лицензияси бекор қилиниб, уларнинг уч йилгача бу соҳада ишлаши тақиқланапти”, дейди аптекачилардан бири.

Манба: “Озодлик” радиоси



Борис Гребеншиков Мухаммад Бекжонга мактуб йўллади

Россиялик машҳур хонанда Борис Гребеншиков бир ой муқаддам қамокдан чиққан журналист Мухаммад Бекжонга мактуб йўллаган. Бу ҳақда хабар тарқатган Элтуз нашрига кўра, собиқ сиёсий тутқун Мухаммад Бекжон машҳур қушиқчи эътиборидан хурсандлигини билдирган.

“Очиғи сира қутмагандим мен учун сеvimли қушиқчидан бундай мактуб олишни”, деган Мухаммад Бекжон.

21 март куни Amnesty International халқаро инсон ҳуқуқлари ташкилоти тарқатган бу хушхабарни унга қизи Ойгул етказган.

Халқаро ташкилотнинг Россия

ваколатхонаси директори Сергей Никитиннинг айтишича, “Борис концерт олдида саундчекни бир зум тўхтатиб, столга ўтирди, Мухаммад Бекжон билан бирдамлик мактубини ёзди, қисқа, бироқ ҳаяжонли қўллаб-қувватлаш хатини”.

Никитин ўзбек журналистининг озод этилгани ҳақидаги қувончли хабарни етказиш учун Борис Гребеншиков билан учрашган.

“Умид қиламизки, у россиялик хонанда ва шоир мактубини олишдан жуда хурсанд бўлади. Тағин Борис Гребеншиковдан.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Аквариум лидери, афсонавий музикачидан. Узганинг дардига бефарқ бўлмаган, ноҳақ панжара ортига ташланганлар ҳақини сўраётган инсондан", деб ёзган Amnesty International ташкилотининг Россия ваколатхонаси директори Сергей Никитин. Россияда рок

музика асосчиларидан бири, "Аквариум" гуруҳи қўшиқчиси Борис Гребеншчиков бир ярим йил муқаддам қамоқдаги журналист, сиёсий маҳкум Муҳаммад Бекжонни озод қилиш акциясида иштирок қилган ваунинг портретини кўтариб тушган фотосини ижтимоий тармоқларда тарқатган эди. Ўзбекистонликлар

Борис Гребеншчиковни "Сирли ўзбек" қўшиғи орқали ҳам яхши танийдилар.

Ўзбекистон қамоқхоналарида 18 йил ўтирган журналист Муҳаммад Бекжон шу йил 22 феврал куни озодликка чиққан эди. У дунёда энг узоқ муддат қамоқда ўтирган журналист улароқ эътироф этилади.

Манба: "Озодлик" радиоси



Ёқимтой камералар

Тошкент шаҳрида 15 мартдан бошлаб йўлдаги қоидабузарликларни қайд қилувчи камералар иш бошлади. Пойтахтлик ҳайдовчилар видео камералар йўлларни тартибга сола бошлаётганини илиқ қарши олган. Масъулларнинг айтишича, 36 соат давомида 10 мингдан ортик қоидабузарлик қайд қилинган.

Ҳайдовчиларга жарима ёзилган қвитанциялар кела бошлаган. Умуман камералар ишга тушгани Тошкент йўлларида яққол сезилган.

"Одамлар қизилда ўтиб кетиб қолмайлик, белгиланган чизик устига чиқиб қолмайлик деб светофор олдида ўта эҳтиёткорлик билан ҳайдашяпти. Натижада йўлларда бироз тирбандлик юзага келган. Лекин ҳеч ким бир-бирини шошилтирмаяпти", - дейди Би-би-си билан суҳбатда тошкентлик ҳайдовчи.

Ижтимоий тармоқларда ҳайдовчилар ўртасида 3 кундан бери берилаётган ва муҳокама қилинаётган савол - бу ишга тушган видео камералар ҳақида бўлмоқда.

Мурожаатларнинг аксарияти

"қоида бузганликларини қаердан билса бўлади", мавзуси атрофида.

"Қоида бузганимни камера ёзиб олганини қандай қилсам бўлади, илтимос тезда жавоб ёзинг", - дейди Facebook иштирокчиларидан бири.

Кимдир машинаси қайд қилинган манзилда яшамаслиги сабаб жарима қвитанцияси бошқа жойга кетишини ва қоида бузганларнинг умумий базаси бор, йўқлигини сўрайди.

Қоидабузарлик қайд этилган қвитанциялар уч куннинг ичида почта орқали машина қайд қилинган манзилга етиб боради.

Тошкентнинг 115 та чорраҳасига ўрнатилган камералар биринчи босқичда икки турдаги қоидабузарликни қайд этиши маълум қилинган. Светофорнинг қизил чироғидан ўтиб кетиш ва руҳсат берилган тезликни ошириш.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги масъулларининг айтишича, қоидабузарликни қайд қилиш ва жарима юбориш ишларининг ҳаммаси компьютерлашган ҳолда амалга оширилади ва унда инсон

омили роль ўйнамайди

"Квитанциялар автомобиллар ҳайдовчиларига автоматлаштирилган тартибда почта орқали юборилади. Инсон омили, яъни тузатишлар, қўшимчалар бўлмайди", - деган Тошкент шаҳар Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси «Компьютер маркази» бўлими бошлиғи подполковник Шўхрат Муратов брифинг чоғида.

Масъулга кўра, чорраҳаларни камералар билан қамраб олиш босқичма-босқич амалга оширилади. Лойиҳанинг синов босқичи уч-тўрт ой давом этади, кейин эса иккинчи босқич бошланади. Унда мобиль телефонида фойдаланиш, хавфсизлик камарини тақмаслик каби қоидабузарликлар ҳам қайд этилади. Бу нарсалар ходимлар томонидан қайд этилади.

Камералар ишга тушиши билан ижтимоий тармоқларда бу ҳолатни кулгу остига олувчи видеоролик ва расмлар чиққан.

Кўп ҳолларда хориж киноларига ҳаваскорларнинг овоз берганини кўриш мумкин. Улардан бирида камералар ишга тушгани билан йўлларнинг сифатсизлиги ва белги чизикларнинг кўринмаслиги ҳажв остига олинган.

"Камералар ишга тушди. Энди барча турдаги солиқларни бекор қилсак ҳам қолган пулга йўлларимиз тилладан бўлади", - дейди Twitter фойдаланувчиси.

Яна бир фойдаланувчи камералар ишга тушишини ҳайдовчилар ижобий қарши олганини ёзган.

"Одамни хурсанд қилаётган жиҳат - аҳоли йўлдаги камералар ишга тушишини ижобий қабул қилди. Ҳеч ким ҳеч кимни сўкмади, биров бирор нимадан норози бўлмади. Умумий савия, ҳайдовчилик маданияти, ўзаро ҳурмат сал бўлсада ошган, деган умид уйғонди", - дейди у.

Манба: Би-би-си Ўзбек

(Ёхуд Иноятонинг узоқ вақт мансабда қолишининг баъзи сирлари)

Икки мингинчи йилларнинг бошларида И.Каримов ўзи иштирок этган халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдаги сессияси якунидан сўнг журналистларга интервью берар экан, жумладан: "Кейинги вақтларда хотинлар ҳам худдиким ўзиям давлатнинг устида туриб ҳокимиятни бошқараётгандек, ҳукуматнинг ички ишларига ҳам, кадрлар масалаларига ҳам бўлар-бўлмаган ҳолатларда аралашиб кетаётганлиги одамни ҳайрон қолдираётти-да, ё тавба" дея кинояли лўқма ташлаб, энсаси қотгандек бўлганди, агар ёдингизда бўлса.

Айнан шу "хотинлар масаласи" бежиз тилга олинмаганди, яъни бу ҳақда шунчаки гапирилмаганди. Каримовнинг билиб-билмай оғзидан чиқиб кетган бу лўқма-аччиқ кесатиқнинг замирида муҳим бир нарсаларга жиддий ишорат бор эди, албатта. Сабаби, катта-катта лавозимдаги кишиларнинг аксарияти ишдан кетиш эҳтимоли кучаяётган бир вазиятда нима қилиб бўлса ҳам, ҳар қандай писмиқона, фирром, жирканч йўллар билан бўлса-да, имкон қадар ўз мансабини сақлаб қолишга жон-жаҳди билан ҳаракат қилиши бор гап. Жамиятнинг маразига айланиб қолган бу ёзилмаган қонун жамиятни слоҳ қилиши керак бўлган - ёзилган, тасдиқланган конституциявий қонунлардан кўра фаолроқ, жадалроқ ва ҳатто шиддат билан ишлаши бугун ҳеч кимга сир бўлмай қолди.

Чунки сўнги пайтларда креслодан айрилишининг оқибатлари яхшилик билан тугамаётганлигига мисол ва далиллар кўп. Шунинг учун пихини ёрган кимсалар тақдири фожиавийлик гирдобига тортилмаслиги учун минг бир турли найранг-у хийлаларини ишга солганлиги ва бу алаоқибат ўша айёр мулозим учун ижобий натижа берган ҳолатлар ҳам қайд этилганлигини тасдиқловчи фактлар йўқ эмас.

Бундан олдинги мақоламизда президентнинг калтагини еб назардан қолиш даражасигача етиб келса-да ва ҳаттоки, ишдан бўшаш ҳақида ариза ёздириб олинган бўлса-да, лекин барибир МХХ раиси Иноятон маккорлик билан ўз лавозимини сақлаб қолганлиги ва унда қандайдир сирлар бор эканлиги ҳақида ёзгандик. Бугун ана шу хусусда жонли мисол бўлиши мумкин бўлган воқелик борасида сўз юритмоқчимиз.

Юқорида дастлаб биз бекорга айнан Каримовнинг сўзларидан

иктибос келтирмадик. Боиси, кейинги вақтларда Каримовнинг турмуш ўртоғи Татьяна Акбаровна ҳокимият ишларига зимдан, аммо фаол тарзда аралашини бошлаган ва табиийки, умр йўлдошига тиришиб-тармашиб бўлса-да, ўз ҳатти-ҳаракати, югур-югури билан таъсир ўтказга бошлаган. Хусусан, кадрларга бориб тақаладиган ва бу билан боғлиқ жуда кўп масалаларда ўз сўзини ўтказган ҳолда пировардида у ҳал этувчи роль ўйнай бошлаган.

ФЛОРАНИНГ ТАТЯНАДА НЕ ИШИ БОР?

Ана шундай ҳолатларнинг деярли барчасини ўзининг "темир дафтар"га алоҳида қайд этиб юрган ва Татьянахонимнинг феъл-атвори, ҳатти-ҳаракатидан жуда яхши хабардор бўлган Ўзбекистон МХХ раиси Рустам Иноятон еган тепкисидан кейин мажбуран ариза ёзиб қўйган бир пайтда бундайин "қулай фурсат"ни қўлдан бой бериб қўйиши мумкинми? Албатта, йўқ. Агарда у ушбу имкониятни бой берадиган бўлса, унинг оқибатлари нима билан тугаши ва бу қандай кутилмаган фожиаларга олиб келиши мумкинлигини жуда яхши билган, кўз олдига келтирган...

Шу боис ўзи учун кўрқинчли ва даҳшатли бўлган ҳолатдан қутилиш мақсадида бирдан ўзини касалга солиб касалхонага ётиб олиш ҳаракатини қилган. Бу билан иш битдими? Йўқ. Қизиғи, мақоламизнинг кульминацион нуқтага олиб борадиган чизиғи шу ердан бошланади, диққат қилинг!

Айни нуқтадан бошлаб давлат миқёсидаги ўта жиддий бўлган бу масалага хотинлар аралашади. Таъбир жоиз бўлса, давлат, мамлакат, халқ тақдирига бевосита ва билвосита даҳлдор ва ўта масъул бўлган бу икки шахс – Каримов ва Иноятон ўрнига уларнинг хоним-ойимлари масалани ўзлари оилалари манфаатига "ҳал қилиб" юборадилар. Қандай қилиб дейсизми?

МХХ раҳбари баҳона касал бўлиб оёғини узатиб ётиб олгандан кейин унинг турмуш ўртоғи Флора эри ва бутун оиласининг жар ёқасига келиб қолган вазиятидан қутқариш ташвишига тушиб, бу "нозик" масалага "ечим топиш" учун Татьяна Каримова билан қандай қилиб бўлмасин учрашиш, кўришиб, гаплашиш тадоригини кўра бошлайди. Чунки бу аёл ўта сипо ва ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам кўнгилга йўл топа олади. Қай даражада "маҳорат" эгаси

эканлигини президентнинг оиласига қимматбаҳо совғаларни улашиш борасида бир неча маротаба исботлаган. Шу боис ушбу жиддий, муаммоли масалани кўндаланг қўйишда ва уни ҳал этишда асосан нимага урғу берилиши зарурлигини у олдиндан жуда яхши билган.

Шундай қилиб, Флора ўзи ва эрининг "канал"ларини ишга солиш орқали Т.Каримова билан боғланади. Шу аснода бу икки аёл бир-бири билан кўришиш жойини ҳам белгилаб олишади. Уларнинг учрашув жойи сквердаги "Баҳор" ресторанининг қаршида жойлашган "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси биноси этиб белгиланган. Чунки Татьяна ушбу жамғарманинг кўпчилик ҳам билавермайдиган "раиси" ҳисобланган, яъни номигагина нодавлат нотижорат ташкилоти ҳисобланган бу жамғармага аслида у "раҳнамолик" қилган.

...Ниҳоят, келишилган жойда Флорахон ва Татьянахон учрашишган. Албатта, икки соатга яқин давом этган ўзаро суҳбатни жуда ҳам енгил кечган деб айтиш мушкул. Аввало таклиф этилиши лозим бўлган катта миқдордаги миллионлар гаплашилаётган вақтда унинг миқдори тилга олинмасдан рақамлар фақат қоғозда ёзилган ҳолда узатилади ва унга кўзи тушган томон ўша акс этган рақамларга ўз розилигини билдириши керак. Ниҳоятдаги рақамлар уни қониқтирган бўлса керакки, охири бир тўхтамга келинган ҳолда яна шу ернинг ўзида бир кичкина тадбир уюштириш баҳонасида учрашишга келишилган.

Айтилганидек, ҳафта сўнгида жамғарма биносида ўтказилган тор доирадаги тадбир баҳона учрашув уюштирилиб, келишилган миқдордаги сумма тегишли қутида худдиким "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасига келган "беғараз ёрдам" шакли ва ниқоби остида машинадан-машинага ўтказилган. Бу ўз-ўзидан иш пишганлигини ифодаловчи илк муваффақиятли ҳаракатнинг натижаси эканлигини тасдиқлайдиган амалиёт бўлган.

Буни қарангки, бу каби олди-бердиларнинг устасига айланган Татьяна хоним асосан умр йўлдошининг қисқа сафар билан пойтахтни тарк этган кунлари айнан шу шаклдаги "тадбир"ларни уюштиришга ошиқадиган бўлиб қолган ва бежизга эмас...

Чунки, бу амал тортиқ этилаётган, ташиб келинаётган ва уйга жойланаётган ушбу қутилар ўзининг энг яқин киши томонидан беҳосдан суриштирилиши, бу

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

“кути”ларнинг нима эканлиги билан қизиқиб қолиш эҳтимолини иложи борица камайтиришнинг ўзига хос ва ўзига мос усули ҳам бўлган. Яъни Каримов шохиди юрган бўлса, Каримова хоним доимо баргида юриш маҳоратини ишга солган.

Ўзбекистон миллий хавфсизлигининг асосий-бош биноси Тошкентнинг қоқ марказида жойлашган бўлиб, ундан сўнг “Зарафшон” ресторани келади ва худди шу ернинг ўзидан сайлгоҳ кўчасининг одамлар билан гавжум қисми бошланади. Кейинги вақтларда ушбу кўчанинг икки томонида ҳам маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, хусусан, чойхоналардан тортиб ошхона ва Адлия вазирлигининг шундоқ биқингинасида яна бир янги ресторан ҳам ишга тушиб фаолият кўрсата бошлаганди. Кундуз куни ҳам ўша кенг йўлак одамлар билан тўла бўлади, лекин кечга бориб гавжумлик янада қуюқлашади. Бу маскан пойтахт аҳолисининг севимли дам олиш гўшасига айланиб улгурганди.

Қай бир кун “фалокат босиб”, президент кечга томон ўша жойга яқин бўлган параллел йўлдан ўтаётган маҳалда у ердаги кучли ёруғликка кўзи тушиб қолади. Худди шу прожекторлар ва ранг-баранг лампалар ёруғлиги узра осмонга қараб қуюқ тутунларнинг ўрлаётганлигини ҳам назардан қочирмайди ва бу не ҳол эканлиги билан ўзича қизиқиб, “эртагаёқ бу масала билан шуғулланиш лозим”лигини юрагига тугиб қўяди. Лекин негадир безовта бўлиб, сабри чидмайди. Дачасига кириб-кирмасдан МХХ раисини чақиртириб, ўша кўрган жойи – “шуълакор маскан”нинг асли не эканлиги, нимага айланганлигига доир саволлар билан кўмиб ташлайди. Иноятонинг ҳали оғзидан гапи чиқиб-чиқмасдан яна ўша “Дархон”да рўй берган “томоша” бошланади. Иноятонинг анча “практика”си ошиб қолган эканми, бу сафар у ўзини олиб қочишга уринади. Лекин, Каримовнинг ҳам ўзига ёқмаган мулозимларни “теппакалаваш” қилиш “практика”си кам эмас экан чоғи, тепки МХХ раисининг кетига эмас, балки сонига келиб тушади. Жон томирими, қон томиригами урилган зарб уни барибир анча эсанкиратиб қўяди.

Ана шундай аянчли ҳодисадан сўнг ростакамига чўлоқланиб қолган МХХ раҳбари шиқолхонага ётқизирилиб, қони таҳлилдан ўтказилганида, у қаттиқ кўркүвдан ўзига шакар хасталигини орттириб олганлиги маълум бўлади.

Бу сафар унинг масаласи ўта чигаллашиб, келгусидаги тақдири янада қоронғилашаётганидан анча алаҳсираб, эсанкирайдиган бўлиб қолган.

Ана энди завжаси Флорахонга аҳволнинг жиддийлигини англатади. Бор-будини олиб бориб бериб бўлса-да, ушбу балодан қутқарилмаса, бу ёғига поезд сўнгги бекатига етиб келиб, қисмати жуда ҳам аччиқ якунланиши мумкинлиги кўз олдидан бирма-бир ўта бошлайди. Айниқса, мабодо, оёғи тойиб ишидан айриладиган бўлса, ҳолига маймунлар йиғлашини яхши биларди. Чунки, шундоғам миллий хавфсизлик тизимида уни у қадар ҳам жини суймаётганлар сафи кундан-кунга кенгайиб бораётганди. Бунинг устига баъзи ҳолларда ўз сўзини ўтказиши қийин бўлган яна бир қанча ходимлари унинг устидан анчагина жиддий маълумотлар папкасини йиғиб юрганлиги ҳақида ҳам шов-шувли гап-сўзлар урчиб кетганди. Шу сабабдан ҳам бу гал худди олдингидек олиб борилиши керак бўлган “ўзини қутқариб қолиш амалиёти” ўз-ўзидан осон кечмаслиги аниқ эди.

Бу сафар ҳам Иноятонинг бу балодан қутқариш илинжида унинг турмуш ўртоғи Флорахон энг шимариб ишга киришади. Улар қанчалик ўзларининг кенг имкониятларини ишга солишмасин, чиранишмасин, лекин ундан барибир бир натижа чиқишига бўлган ишонч кундан-кунга сўниб борарди. Чунки, Т.Каримова ўзини лалига солиб, негадир учрашишга мойиллик билдирмаётганди. Нима сабабандир гаплашишга унчалик ҳам ошиқмаётганди. Шундан сўнг Иноятонлар оиласи “Татьяна балки нархини ошириш учун ҳам шундайин шумлик йўлига ўтиб олган бўлиши мумкин”, деган ўйга боришади. “Балки, у энди иккинчи уринишим барибир бесамар кетади, дея ўзига ишонқирамаётгандир? Ёки у шунчалик ҳам “тўйиб” қолдимикан? Ўзини олиб қоча бошлаганига қараганда “хўжайин”ни кўндира олмагандир, балки...” Эр-хотин ана шундай хаёл-фаразлар оғушида қолиб кетишади.

Бироқ, Иноятонлар ҳам анойилардан эмас. Уларнинг ҳам алоқалари кенг тармоқли. Манфаати пул, бойликка бориб тақалганда бу оила ҳам “чуқур илдиэ отган”. Фақат унинг “калит”и ичкарида эмас, балки юрт ташқарисидадир. Сабаби, мамлакат ичкарисидида у умуман, жамиятда, жамоасида, аҳоли ўртасида шахсан МХХ раиси ва оиласи, ҳаттоки қудаси Ботир Парпиевнинг ҳам кейинги дамларда кундан-кунга ҳурмат-эътибори, обрўси буткул йўқолиб бормоқда эди. Қаердаки бу икки оила ҳақида

гап кетса кўпчиликнинг кўнгли айнийдиган даражада бўлиб қолган. Чунки уларнинг зулмидан одамлар жуда ҳам ҳориган-чарчаган, пичоқ суягига қадалиш даражасига етиб бораётганди. “Бу ҳолдан Татьянахоннинг хабари йўқ”, деб ўйлайдиганлар хато қилишади. Шунинг учун ҳам Иноятонлар Каримовага чиқиши керак бўлган йўлни ичкаридан эмас, балки мамлакат ташқарисидан қидираётгандилар.

Р.Иноятоннинг шунча олиб борган саъй-ҳаракати-ю маҳоратини кўрингки, хориж давлатларининг биридан тўғридан-тўғри Т.Каримовага чиқадиган ва ўз сўзини ўтказа оладиган кимса - “калит”ни ҳам топишди. “Энди ҳаммаси силлик кечадиган бўлди”, дея хурсанд бўлишди, улар. Лекин Татьяна барибир Флора билан юзма-юз учрашиб гаплашишдан бош тортди. Тўғрироғи, истамади. Бу сафар фақат ишончли кишилар орқали олиб борилган мулоқот янада мураккаб кечганлиги аниқ. Барча масала келишилиб, ваъдалар ҳам берилди. Нархлар ҳам осмон қадар бўлиб кетганлигини гапирмай қўяқолайлик. Сабаби, бу “савдо”дан бохабар бўлган баъзи манбаларнинг айтишларига қараганда, Татьяна Акбаровнанинг ваннахоналари тағларигача тахлам-тахламлардан иборат “кўк”ининг кўклови қуюқлашиб, тоша бошлаган. Ушбу ҳолдан тасодиқ бир ҳолатда хизматкорлардан бири ҳам хабардор бўлиб қолган ва бу ҳақдаги маълумот ўша куниёқ бутун пойтахт узра ёйилиб бўлган.

Келишилган масалалар рисоладагидек ҳал этилган бўлса ҳамки, афсуски, асосийси амалда қолиш билан боғлиқ бўлган масала юзасидан жўяли бир натижа бўлавермаган. Татьянахон бу сафар хўжайинини кўндиришга жуда ҳам қийналган, қаттиқ қаршиликка учраган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. И.Каримов балки унинг борган сари нафси ҳакалак отиб бораётганлигидан хабардор бўлиб, хавотири ошган бўлиши ҳам мумкин. Чунки, иккинчи мартаба амалга оширилган “олди-берди”сида қаттиқ кўрқиб кетган Рустам Иноятон шаҳарда ва айниқса, сайлгоҳда (яъни ўз номида бўлмаса-да) ўзига тегишли бўлган бир қанча савдо шохобчаларидан тортиб, адлия вазирлигининг биқинидаги ресторанларгача унинг қизларига инъом қилиб юборганлиги борасидаги маълумотнинг бир учи президентнинг қулоғигача етган.

Бу ишдан натижа чиқармагач, Иноятонлар жуда ҳам тушқунлика туша бошлашган. Буёқда эса,

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

берилган ваъдаларни бажаришга қурби етмаётганлиги ва вазият жуда мураккаблашаётгани боис талвасага тушиб аччиғланиб қолган, ҳатто ғазабга тўлган Татьяна Акбаровна эридан аразлаб Францияга – қизининг қасрига учиб кетиб қолади. Шу билан узоқ вақт келмасликка қарор қилади. Табиийки, турмуш ўртоғининг ушбу ҳаракати И.Каримов учун қўтилмаган бўлса-да, айнан унинг айтганини бажармаганлиги учун тумшук қилиб кетиб қолганлигидан барибир юраги хижил бўлиб юради. Бу ҳолдан унинг кундан-кун хавотири орта бошлади. Давлат раҳбари сифатида атрофидагиларнинг доимий диққат-эътиборида, мунтазам кузатув остида эканлигини ҳис этганлиги боис ушбу ноқулай вазиятдан юраги ғаш бўлиб, ҳижолатдан ўзини қаерга уришини билмай узоқ вақт аросатда қолади, чуқур ўйга ботади. Ва ниҳоят, иложсизликда қолган ва энг яқин кишиси-рафиқаси ёнида бўлмаслиги ўзи учун ҳам шармандали ҳам хавфли

эканлигини англаган Каримов оиладаги носоғлом муҳитга барҳам бериш мақсадида бу сафар ҳам Иноятовнинг ўз ишига қайтишига изн беришга мажбур бўлади...

Анча-мунча сармоясидан айрилган ва қўрқув даҳшатидан ўзига қандли-диабет хасталигини орттириб олган МХХ раҳбари Рустам Иноятов эса “Хап саними, шошмай тур ҳали!...” дея кўнглига туккан шумликни креслосига қайтган кунидан бошлаб амалга оширишнинг пайига тушади. Яъни, Каримовнинг фарзандларини инсон ақлига сифмайдиган йўллар орқали сайлгоҳдаги тунги клубга жалб этиб, қандай қилиб қасд олиниш кераклигини кўрсатиб қўйишнинг пинҳона усулига ўтади. Бу борада Иноятов ўз олдида қўйган қасд олишдек ғаразли мақсадига маълум маънода эришди ҳам...

Лекин МХХ раҳбарининг умр бўйи шу тизимда кечган шунча йиллик хизмати мобайнида фақат эгриликка, фитнакорликка, талончиликка, ёвузликка йўғрилган ҳатти-ҳаракатлари ўзи ва оиласининг жамиятдан бегоналашишига олиб келди бугун...

Қинғир ва тубан йўллар билан бўлса-да қўлга киритгани – шу узун йиллик лавозим, мол-дунё, шон-шухрат кошики эди эл, юрт равнақи, халқ фаровонлиги, бахтиёрлиги, том маънодаги озодлиги йўлида сарф этилганда, Ҳақ олдида ҳам халқ олдида ҳам юзи ёруғ бўларди. Эси, шунча умр, шунча қудрат, шунча бойлик, шунча шухрат; булар кимга вафо қилибдики, қарийб чорак аср ўз халқининг қонини ичиб, юрт бойлигини четга ташиган ва ташитган Иноятовга вафо қилса?...

Сўнги вақтларда Иноятов ҳаттоки, энг яқинларидан узоқлашаётганлигини ва борган сари яққаланиб қолаётганлигини ҳис этаётган бўлса ажаб эмас. Шунинг учун ҳам у баъзи бир “тадбир”ларга тараддуланиб қолганлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Ҳа, айтмоқчи, Татьяна Каримова турмуш ўртоғидан фақат бир мартагина аразламаган. Бошқа бир аразларга сабаб бўлган бошқа бир амалдорлар билан боғлиқ тафсилотлар ҳам талайгина...

Абдуворис Салом

БОЙСУНҚУР

Фикрлашни чексизлик орқали бўйнига олган ҳар қандай шахс учун нарсаларга ном бериш энг қийин ҳисобланади. Агар ном бердингизми ёки тасвирладингизми демак, ғайб пардалари кўтарилиб кетади, йўллар очилиб кетади, воқеликдаги муаммолар ечилиб кетади ва хоказо. Мутафаккирлар шундай дейишади.

Навоий бир ғазалида бунга урғу беради:

Эй Навоий, иста маъни оламиким, келди дун,

Ҳар кишиким майли ушбу дунёи дун саридур.

Охириги 500 йил ҳақида гурунг кетганда мутафаккир шоир Рауф Парфи “балки биз ўлган миллатдирмиз”, деган жумлани айтган экан. Охириги 500 йилликнинг бўшлиғини Навоий образи компенсация қилиб тўлдирмоқда, албатта. Ҳозир ҳам. Орада ва ҳозир ҳам ирреал дунёда яшаётгандаймиз: мавҳумлик орқали-психологик қарашларимиз билан дунёга, воқеликка ном бермоқчи бўламиз, шу асосда яшаймиз, шу асосда жамиятни қурмоқчи бўламиз. Тескариси бўлиши керак эди.

Навоий замонидан кейин Туркистон ирреаллик даврига қадам қўйди. (Аслида Навоий замонидан олдин бу касалликнинг аломатлари кўрина бошлаганди.) Дин бошқа, ҳаёт бошқа, жамият бошқа, давлат бошқа, сиёсат бошқа шаклидаги фикрлаш тарзи одамлар онгини эгаллаб қўйди. Ҳозир ҳам шундай. Давом этмоқда. Ирреализм даври.

Ғарб дунёси жамиятда демократик конструктивлар яратгани боис

ирреалликдан реаллик дунёсига қадам қўйди: жамиятдаги ўзаро тенг муносабатларда реалликнинг-тирикликнинг сифатлари намоён бўла бошлади. Бу бошқа мавзу, албатта.

Навоий ислом маданиятига туркий тил орқали энг катта ҳисса қўшган шахс ҳисобланади, албатта. Унганча форс тилида инсонга ҳаёт бергувчи

Навойдан Навоийгача

реалликни кўп ва хўп тасвир этишган, ном беришган эди.

Навоий зудлик билан форс тилида яратилган шаклларни олиб маъно оламига туркий тил кийдиради. Яна ўткан йўлдошлари келиб қолган жойдан чексизлик томон ёлғиз бир ўзи сафар қилади. Кундаликларида-ғазалларида ушбу сафарларини қайд этади, ном беради. Лекин у бораётган, кезаётган манзилларда дунёдаги бир улўғ Одам отининг чанги қолган эди.

Ул қуёш васлин тиларсен, бўл мужаррад, негаким,

Кўкка Рухуллоҳни еткурған анинг тажридиур.

“Дунё маданияти бу коллектив меҳнат.”- деган эди бир шоир. Фақат ушбу меҳнат эгалари ҳаётда бир-бирларини умуман кўришмаган, вақт узунасида бир-бирларидан узоқ яшашган. Лекин уларни боғловчи бир нарса бор- реаллик. Мутафаккирлар наздида Реаллик Жаннат, дузах тушунчаларини берувчи сарҳадларни ҳам қамраб олади. Навоий ҳам, масалан, “Хамса” бошланишида осмонларнинг сифату феълларини тасвирлаб беради.

Навоий реаллик орқали атрофида кечаётган воқеликни дoston шаклида тасвир этганда қандай бўларди деган савол одамни қийнайди. Бу аслида ҳар қандай ижодкорнинг энг, энг орзуси ҳисобланади. Навоийдан сал олдинроқ яшаган Данте бунга уннаб кўради. Лекин ном беришда адашиб кетади. Воқелик билан реаллик

чегарасини ўрнатолмайди, чалкашиб кетаверади, натижада зиддиятли, бир-бири билан ўрни алмаштирилган тасвирга дуч келамиз.

20 аср бошларида реаллик кўзи билан дунёга қарайдиган ижодкорлар пайдо бўлди. Айниқса, А.Фитрат асарлари залолатга кетиб қолган, яъни тирикликдан узилиб қолган воқеликни тасвирга олади, ном беради. Чўлпон “Уйқуда ул пари” деб Навоий замонидан кейинги жамиятда кечиб келаётган трагизмни абсолют нуқталардан айтади: уйғониш одамнинг қўлидан келади ҳам қўлидан келмайди дейди.

(Орада Машрабнинг ҳаракатлари –ёзган ғазаллари ирреал ҳаётда яшовчилар учун алаҳсирашдек туюлади.)

Воқеликка чексизлик орқали аниқ тахис қўйилса, ўлик жамиятни тирилтириш мумкин экан. Ирреалликдан реалликка қайтариш мумкин экан. Бунинг учун ўзбек бадий тафаккури Навойдан Навоийгача йўл юриши керакдир, эҳтимол.

Манба: ADABIYOT MANZARALARI

Шукур Жаббор

Ҳикоя

Дўстларимнинг салмоқли қисмини чоллар ташкил қилади. Улар билан гапим қовушиб, яхши келишаман. Балки ўзим ҳам аллақачон чолга айланиб бўлгандирману буни сезмаётгандирман.

Қишлоқда Қодир бобо деган яхши дўстим бор. У ёз пайти кўч-кўронини кўтариб далага чиқиб қапа қуриб, полиз экинларини экади. То қиш-қировгача капасидан бери келмайди. Шу инсонни йўқлаб бордим. Мен борган куни Муниса деган кизи болаларини етаклаб келиб қолди. Биз қапада суҳбат қуряпмиз, кизи ўша жойда қурилган тошдан қурилган ўчоқда бизга овқат пиширяпти, Гулшан деган ширин невараси эса биз эзма чуруқларнинг гурунгимизга қулоқ солиб ўтириб зерикиб кетди. Ахийри:

- Бобожон бекинмачоқ ўйнайлик, -деди кизча.

- Ҳозир эмас. Меҳмон бор. Кейин ўйнаймиз, -деди Қодир бобо. Қизча эса ёшига хос эркалик билан:

- Йў-йў-йў ўйнаймиз! Йў-йў-йў...-деб бир оёгини ерга тапиллатиб уриб туриб олди. Шунда мен:

- Бекинмачоқ ўйнамаганимга анча бўлди. Мендан хижолат бўлманг. Ёшлигим эсимга тушиб кетди. Келинг, ўйнасак ўйнай қолайлик. Росса бекинмачоқ ўйнагим келиб турибди, -дедим.

Бекинмачоқ ўйнашга келишдик.

Гулшан кўзини беркитиб санай бошлади: бир, икки, уч... Биз Қодир бобо билан ўша ердаги қамишзор ичига кириб яшириндик. Яширинаётимиз ҳам завқланиб кетдим. Ортимга қарасам Қодир бобо йўқ. Қизчадан яширинча Қодир бобони қидира бошладим. Қамишзор оралаб аста борар эканман, шундоқ ёнимдаги бир тутам қамиш шитирлагандай бўлди. Қарасам Қодир бобо қамиш остида пикиллаб йиғлаб ётибди. Бекинмачоқ ўйнаётган қария бесабабдан бесабаб йиғлаб ётса ғалати бўларкан. Қалбини очиб йиғи сабабини билиш учун мен ҳам аввал чўккалаб, кейин ётволиб, эмаклаб бориб Қодир бобони туртиб, пичирладим:

- Нега йиғлаяпсиз?..

Қодир бобо ҳам менга таклид қилиб пичирлаб гапира бошлади:

- Бир иш эсимга тушиб кетди. Хув аграном бўлиб ишлаётган вақтим эсимга тушиб кетди. Бунгаям қирқ йилча бўлди-ёв. Пахта иши билан



Мустақиллик нима?

чакув бўлиб, мени тергов қилишди. Бўйнимга катта камомадни ёзишди. Қамаладиган бўлдим. Бир ўрис офицер мени уриб кўп кийнади. Кейин қамокқа олиб кетаётган жойларда ўша офицерни уриб, ўчимни олиб, ҳеч кимга билдирмай қочдим... Энди ушлаб олишса бўйнимга яна истатя қўшилишини билганим учун жон ховучлаб қочдим. Одамлар кўзи тушмайдиган жойлардан юриб, кунни кеч қилиб қишлоққа етиб келдим... Уйга кирмадим. Мени қидириб уйга келишларини билардим. Шунинг учун мана шу қир-адирларда жон сақладим. Ейишга овқат йўқ. Анави кўлдан балик тутиб хомлигича еб, кун ўтказдим. Кундузи ҳеч кимга кўринмай ётиб, кечаси овга чиқаман. Худонинг раҳми келдими, бир куни амакимнинг ўғли Носир шу ердан ўтиб қолди. Носирни имлаб чақириб, аҳволимни тушунтирдим. Носир уйдагиларга мен ҳақимда хабар бериб, тинчлантирибди. Укумат уйга бир милиса минан бир салдатни соқчиликка қўйибди. Носир ҳар куни яндама йўлдан юриб, яширинча менга овқат ташийди. Эҳх, у кунлар... Бир куни бирор нарсани сезишган шекилли милисалар шу ергача қидириб келишди. Мен ҳозир қандоқ яшириниб ётган бўлсам, ўшандаям худди шу ерда, ҳа худди шу ерда шу қамишнинг тагида ётгандим милисалар шундоқ тепамга келиб қолишди. Нафас олсам эшитиб қолишади, деб нафас олмай ётибман. Ҳатто сезиб қолмасинлар деб дукурлаб ураётган юрагимдан ҳам ховотирланиб ножама бўлганман. Ҳатто биттасининг оёғи менга тегиб кетай деган... Ҳаммаси Худодан экан. Кўришмади. Агар

Худо истамаса кўришмаслигига иймон келтирганман...

Қодир бобонинг пичирлаб айтган бошидан кечирган воқеалари шу нуқтага етганда қизча бизни топиб олди ва:

- Топволдим! Топволдим!..- деб қувончдан ирғишлади. Шунда мен қизчага қараб шундай дедим:

- Эҳ қизалоқ, яхшиям ҳозир сен топволдинг! Агар бобонгни қирқ йил аввал милисалар топволганда нима бўларди?! Унда сен ҳам, ойинг ҳам йўқ эди...

Қизча билан етаклашиб, қамишзордан чиқиб кела бошладик. Қодир бобо эса ўйин тугани эсида йўқ, шивирлашга ўрганиб қолибми, ўша хирилдоқ пичирлаш оҳангида деди:

- Яхшиям мустақилликка етишдик! Ўзинга шукур!..

Кеч тушгач акамнинг уйига қайтдим. Жиянларим билан кечкурун телевизор кўриб ўтирибмиз. Телевизорда мухбир кўчадаги ёш-яланглардан “Мустақиллик нима?” деб савол бериб интервью оляпти. Мустақиллик ёшига етмаган ва у нима эканлигини ҳис қилолмайдиган бир ўсмир-йигит “Мустақиллик бизага котта имконият берди” деди. Яна бири – ўша навбатдан ташқари съездда мустақиллик эълон қилинганда гўс бўлиб ўтирган ва сукунат ичра “Ҳах ахир қарсақ чалмайсизларми?!” дейилгандан сўнг қўрқиб-писиб бошқаларга таклид қилиб чапак чалган молфаҳм депутатнинг боласи: “Мустақиллик бу олий неъмат!” деди. Мустақиллик ўзи нималигини тушунмаган яна бир калтафаҳм депутатлардан бирининг кизи мухбирнинг саволига навбатчи гапларни гапириб бидирлаб кетди...

Шунда... (шунда шартта ўрнимдан туриб “Ҳах мустақиллик ҳақида тушунчандан ўргилдим! Мустақиллик ҳақида ўзининг соҳибларидан, уни бутун вужуди билан ҳис қиладиганлардан интервью олмайсанми?!” деб телевизорни кўтариб ташқарига улоқтирдим.)

Албатта, бу қавс ичида ёзганларимни хаёлимда бажардим. Аслида эса акам узатган чойни олиб, хўплаб, ёнимдаги жиянларимга ясама илжайиш билан қараб, ҳамма кўрсатуви ясама бўлган қутинг ўчқур ёлғончи қутига мажбуран тикилдим, холос...

(Бўлган воқеа асосида ёзилди)

Манба: [facebook.com](https://www.facebook.com)



А.Ходжаевнинг санъат ҳақидаги "тушунча"си

Нарзулло Охунжонов

**МАМЛАКАТНИ КИМ
БОШҚАРАЯПТИ?**

(саққизинчи мақола)

**А.ХОДЖАЕВНИНГ САНЪАТ
ҲАҚИДАГИ "ТУШУНЧА"СИ**

Ўтган 2013 йилда баҳор фаслининг охирларида улуғ адиб Шукруллони зиёрат қилиш мақсадида у кишининг уйларига Мамадали ака Эронов билан бирга бордик. Шу баҳонада у киши билан узоқ суҳбатлашдик. Табиийки, мавзу кўпроқ бугунги кундаги адабий жараён ва маънавий муҳит билан боғлиқ бўлди. Гапдан-гап чиқиб, ҳақиқий миллий санъат ва адабиётни тарғиб қилиш борасида миллий телерадиокомпаниянинг ўзига хос ўрни ва роли қандай бўлиши заруриги хусусидаги масала ҳам ўртага чиқди. Мен шунда устоз Шукруллога "телевидение, радиони ҳам кузатиб борасизми?" деган мазмундаги савол билан мурожаат қилдим. Шунда у киши саволимга савол билан жавоб бердилар:

"Бу турдаги ахборот воситаси ва унинг раҳбарияти қанақа ишлар билан шуғулланаёти ўзи?" Мен бу мавзуда гап бошласам, дардим дoston бўлиб кетишини билганим учун атай сукут сақладим. Кўпни кўрган, қарийб бир асрни қоралаётган устознинг фикрларини билгим келди. Мендан садо чиқмагач, у киши гапларида давом этдилар:

"Биласанми, бир куни телевизорни кўриб-кузатиб турсам, яқингинада ажойиб қилиб қайта тикланган Хаста Имомнинг олдидаги майдонда ярим-яланғочларнинг жилпанглаб ўйнаётганлиги намойиш қилина бошланди. Бу ҳолатга энди инсон боласининг кўзи тушса ҳайратдан ёқа ушлаши аниқ. Бошқаларни билмадим, айниқса, бизнинг мамлакатимиз, миллатимизда бундай номаъқулчиликни ҳазм қилиш қийин. Ёшим бир жойга борганда ҳар ишга аралашавермай

дея ўзимни зўрға қўлга олиб сабр қилиб ўтирувдим. Қарангки, ўша куни кечроқ маҳалламиздагилар бизнинг уйга чиқишиб, "Домла, бу телевидениядагилар қаёққа қараяпти, ўзи? Бу қанақанги шармандагарчилик, шунақаси ҳам бўладими, ахир? Азиз бир қадамжонинг олдида "шайтон ўйин"лариға йўл қўйилаётганлигини нима деб айтса, қандай баҳоласа бўлади? Бундайин ҳақорат, бундайин беҳаёликка чидаб бўлмайди-ку", - деб қолишди.

Кейин мен бу гаплардан янада таъсирланиб, миллий телерадиокомпаниянинг раҳбари ким экан ўзи, дея қизиқиб ўша инсон билан боғланишга уриндим. Компаниянинг раиси - Алишер Ходжаев дегани экан. Телефонда у билан боғланишим билан ўзимни таништириб, сўрашиб ҳам олдик. Табиийки, бу жанобга Хаста Имомдай азиз ва табаррук жойда ярим-яланғоч қизларнинг рақсга тушаётганликлари ва уларнинг ликонглаб бесўнақай ҳаракатлар қилаётганликларини телеканалларда бутун бир аҳолиға намойиш этиш шартмикан? Бу ахир миллатимиз, халқимиз маданияти, урф-одати, анъанаси, қолаверса, умуман, маънавиятига зид-ку. Аввало ўшандай муборак масканда бу каби уятсизларни кадрға олишнинг ўзи қайси қолиға сиғаркин? - дедим. Бу гапларимга жавобан раис Алишер Ходжаев: "Шукрулло ака, ахир, бу санъат-ку" деб қолса бўладими?!

Мен яна: "Бу қанақанги санъат бўлиши мумкин? Бунинг турган-битгани миллий-диний кадриятларимизға бўлган ўтакетган ҳурматсизлик, азиз бир жойни оёқ-ости қилиш билан баробар нарса-ку. Ўзлимизға хиёнат-ку. Мана шуларни катта ва кенг оммаға кўз-кўз этишингиз, энди сизнингча, бу санъат бўлиб қолдими? Санъат, маданият ва унга тескари бўлган нарсалар нима эканлигининг фарқиға бормай қолдиларингми?"

Бу қанақаси бўлди? Бу билан ўзи нима демоқчисиз? - дедим. А.Ходжаевнинг менға ўргатиши ва талмовсираб уқтиришича, бу намойиш этилаётган ҳаёсизликлар барибир юқори-юқсак савия - даражадаги санъат эмиш. Ана сизға катта бир ташкилот, маданият ўчоғи бўлган миллий телерадиокомпания раисининг дунёқарашини-ю, тасаввур-тушунчаси. Савиянинг нечоғлик саёз-тубанлигини қаранг. Садқаи раҳбар кет-е, дея шартта гўшакни кўйдим. Кейин Хайридиннинг телефон рақамини қидира бошладим.

Чунки, у кимсан, президентнинг айнан шу масалалар бўйича давлат маслаҳатчиси. Лекин не ажабки, Хайридин Султоновға кўнғироқ қилиб тушишға ҳарчанд уринмайин, барча ҳаракатларим зое кетди. Телефон гўшагини бирров олай, жавоб берай демайди. Бундай ҳолатдан роса ҳафсалам пир бўлди. Дарҳақиқат, илгарилари ҳам Хайридинға бир неча маротаба ана шунға ўхшаган масалалар бўйича гапираман дея сим қоққанларим, уринишларим бекор кетганди. Борган сари унга боғланиш ва у билан гаплашиш анқонинг уруғини қидириб топиш билан баробар бўлиб қолди. Бундан бир неча йил аввал президент аппаратидагилар, хусусан, худди шу Хайридинни топишда ҳеч бир мушкулликнинг ўзи йўқ эди. Ҳаттоки, ўзи ҳам менға кўнғироқ қилиб, хол-аҳвол сўраб турарди.

Бугунги кунға келиб эса аҳвол тескари-бутунлай бир бошқа томонға ўзгариб бораётганлиги мени ҳайрон қолдираяпти. Ўрни айни пайтда баъзи раҳбарларнинг ўзига бино қўйиб халқдан борган сари янада узоқлашиб, оёғи ердан узилиб бориши бу яхшиликнинг белгиси эмас, албатта. Санъат, адабиёт тарғиботи учун масъул бўлган шахсларнинг бири савиясиз бўлса, яна бири гўшакни олмаса, гаплашишни истамаса, қандоқ кунларға қолдик. Ишқилиб, охири бахайр бўлсин...

Устоз-ёзувчи Шукрулло билан бошқа мавзуларда ҳам суҳбатлашдик. Қолган гапларни ҳам мавриди билан сўзлармиз.

11.03.2014 й.
(давоми бор)

"ERKIN YURT"
интернет-газетаси
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий
нашри
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мухаррир: Нурбек Саломов